



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 28-avgust • № 35 (4018)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Қадри фестивал қатнашчилари!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонилар ва жаноблар!
Бугун мана шу қадимий ва бетақор Самарқанд заминига узок-яқин ўлкалардан таширғи бўлган сиз азиз меҳмонларимиз билан, дунёда ном қозонган "Шарқ тароналари" фестивалининг иштирокчилари, барча дўсту биродарларимиз ва мен учун қадрдон бўлган Самарқанд ахли билан дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя хурсанд бўлганимни билдириб, барчангизга ўзимнинг эзгу тиллақларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Шу гўзал ва шукуҳли оқшомда муҳташам Регистон майдонидан сизлар билан бирга нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Халқаро халқ ижодиёти кенгаши вакиллари, хорижий давлатларнинг элчилари ҳам ҳозир бўлганини биз, аввало, ўзбек халқига, бугунги ақолиб анжуманга ҳурмат белгиси сифатида қабул қиламиз ва бунинг учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўз зиммамга олган шарафли бурчимни бажариб, дунёнинг турли қитъа ва минтақаларидан келган сиз азиз меҳмонларни бутун халқимиз номидан самимий қутлаб, "Хуш келибсиз азиз Самарқанд шаҳрига, хуш келибсиз Ўзбекистонга!" деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Қадри дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!
Барчамизга маълумки, дунёда жуда кўп ва турли-туман санъат ва муסיқа фестиваллари ўтказилди. Албатта, уларни ҳар бирининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, ўзига хослиги, кадр-қиммати, ўз мавзу ва гоюлари, обрў-эътибори бор.

Шулар қаторида биз бундан 12 йил олдин ташкил қилган "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивалининг айнан шарқона маъно-мазмуни, бетақор руҳи ва қиёфаси борлигини, ўйламанки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Аввало, бу фестивал Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши мукаррар.

Шу билан бирга, бу фестивал биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш муסיқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижанон мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Чунки тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидида юзлаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг тасирчан бир воқеа борки, бу — муסיқа. Бу — оҳанг, бу — тарона.

Мен бир нарсага аминман — бизнинг ҳаётимизга, аввало, фарзандларимиз, болаларимизнинг онги ва қалбига ҳеч қандай чегарани, ҳеч қандай говтўсиқни билмайдиган муסיқа садолари, мумтоз куй ва қўшиқлар қанчалик чуқур кириб борса, бу ўз наъбатидида халқларни бир-бирига яқин қилишга, ҳамкорлик ва дўстликка давбат этади ва том маънода энгилмас кучга айланади қолади.

Бугун дунёда обрў-эътибори тобора ортиб бораётган бу фестивалнинг жаҳондаги энг кўна шарҳлардан бири бўлиши, ҳар қадамда Шарқ нафаси уфуриб турадиган гўзал ва афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бу анжуманга беқиёс жозиб ва маъно-мазмун бағишлайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамиша навқирон қиёфасини, бетақор меъморий ёдгорликларни намойён этадиган бу шаҳар ва бу ерда яшаётган, кўп асрлар давомида турли миллат ва элатларнинг энг олижанон фазилат ва хусусиятларини, тили ва табиатини ўзида мужассам этган, меҳмондўст ва меҳрибон халқ бу фестивалнинг узвий, ажойиб бир қисмига айланади, унга янги-янги тароват бахш этади, десам, барча-барча шу майдонда ўтирганлар бу фикрга қўшилиди.

Шу буюк шаҳарда туғилиб, униб-ўсган инсон сифатида мен Самарқанд халқига қаратиб, уни таърифлаб, ўзимнинг меҳрим, фарзандлик муҳаббатим ҳақида тақоррор ва тақоррор гапирибдан ҳеч қачон чарчамайман. Ва бу табаррук тупроқ олдидан ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Бугун очилаётган еттинчи фестивал ҳақида сўз юритар эканмиз, бу фестивал ўз қатнашчиларининг сони ва иштирокчи давлатлар жуғрофияси билан, турли халқларнинг бебаҳо маънавий бойлигини кенг тараннум этиши, унга янги-янги истеъдодлар ва дунёга машҳур санъаткорларнинг таширғи бўлган, муסיқий оламининг ранг-баранглиги билан "Шарқ тароналари" муסיқа анжуманлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Буни биргина мисол, яъни фестивалимизнинг дастлабки анжуманида 31 та мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, бу йилги муסיқа байрамидида 47 та давлатдан келган 260 дан зиёд моҳир созанда ва хонандалар қатнашаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Биз мамлакатимизда "Шарқ тароналари" фестивалини юксак савияда ўтказиш, унинг донгини дунёга таратиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрамиз.

Санъатни, муסיқани бугун қалби билан севадиган, ижод ахлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи "Шарқ тароналари" фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимий билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорлигини билдиради.


Ишонаман, бугун ўз ишини бошлаётган навбатдаги фестивал "Шарқ тароналари" муסיқа анжуманининг жаҳон санъат оламида қозонган обрўсига обрў қўшиб, унинг бетақорлиги ва гўзаллигини янада оширади, бу нуфузли маданий форум ўзида мужассам этган юксак инсоний, гуманистик гою ва мақсадларни, унинг ўзига хос аъёнларини давом эттиришда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги санъат ва нафосат байрами билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сийхат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро муסיқа фестивали ўз ишини бошлади. Бу нуфузли анжуманда дунёнинг 47 давлатидан келган санъаткорлар иштирок этмоқдалар.



С.ЎРМОНОВ, Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида "Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури"га биноан янги муҳташам муסיқа мактаби қуриб, фойдаланишга топширилди. Ушбу ўқув масканида 240 нафар ёш истеъдод эгалари муסיқий таълимнинг етти йўналиши бўйича таълим оладилар.

Маданий ҳаёт

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси китобхонларнинг бугунги талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли мавзуларда янги асарларни мунтазам чоп этиш билан бирга, мамлакатимизда китоб савдосини янада яхшилаш, янги китобларнинг мамлакатимизнинг турли ҳудудларида изчил тарқалишига эришиш йўлида ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бунда компаниянинг "Шарқ эъқори" оқич акциядорлик жамияти фаолияти алоҳида аҳамият касб этаёттир. Байрам арафасида жамият ўзининг энг фаол филиаллари — Бухоро, Навоий, Қарши, Андижон, Наманган, Жиззахдаги мутасаддиларига "Дамас" автомашиналарини совға қилди.

Қўшалоқ байрамларимиз арафасида Сирдарё вилоятида меҳнатқашларнинг мароқли дам олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бир қатор кўнгилочар ташбирлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Гулистон шаҳри марказидаги "Яшил театр" биносидида вилоятда яшаб ижод қилаётган шонир ва ёзувчилар иштирокида "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди. Бундай ташбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўтказилиб, уларда Али Носирли, Баҳор Холбекова, Ҳасан Абдувоҳидов, Ҳаёт Шодмон, "Сирдарё наволари" ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари фаол иштирок этмоқдалар.

МУКОФОТ МУБОРАК

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетақоррор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Фармонида биноан мамлакатимизнинг юксак мукофотлариغا сазовор бўлдилар.

- Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**
Сафаров Орол Абдуманнонович — Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси, ҳофиз
- Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист**
Абдулақова Матлуба Абдуллаевна — "Фарғана" замонавий рақс театри балетмейстери
Жданов Дмитрий Юрьевич — Академик ва халқ бадийи жамоалари дирекцияси давлат хор капелласи бадийи раҳбари ва бош дирижёри
Исмиёминова Дилноза Мирзатиллаевна — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси
Қунназаров Султан Шнибаевич — "Айқулаш жулдиллари" Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли балет артисти
Мадалинов Кобилжон — Андижон вилоят ёшлар театри актёри
Миродилова Қаноатхон — Сурхондарё вилоят муסיқали драма театри актёри
Раҳимов Санжар Мираҳмедович (Сардор Раҳимхон) — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси
Тургунов Тохир Мирхосинович — Бадийи жамоалар ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли созандаси
Усмонова Шаодат Исомиддиновна — Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри актёри
Хайриддинова Сайёра Мирсоатовна — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти
Цой Зуя Николаевна — Республика муסיқа коллежи ўқитувчиси, эстрада хонандаси
- Ўзбекистон Республикаси халқ арбоби**
Абдураҳимова Феруза Равашинова — "Сўғдиёна" ўзбек халқ чолғулари давлат камер оркестри бадийи раҳбари
Назиров Хуршид Абдуллаевич — Ўзбекистон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи расссом
- Ўзбекистон Республикаси халқ артисти**
Бекчанова Меҳрижон Фуломовна — Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқали театри актёри
Ражабов Авазхон Акбарович — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти
- Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси**
Раҳимов Абдимурот Абдиевич — Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туман маданият уйи раҳбари, бахши
- Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми**
Асқаров Аъзамхўжа Исмаилович — Ўзбекистон Бадийи академияси махсус жамағармаси раиси, бадийи кулолчилик ва шиша бўйича расссом
- Ўзбекистон Республикаси халқ устаси**
Ғаниев Хусан Ваҳобович — "Устозода" халқ санъати усталари корхонаси ёғоч уймакор устаси
- Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси**
Нийёзов Сойибжон Наврўзович — Бадийи жамоалар ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли хонандаси

ОҲАНГА ЖОЙЛАНГАН ТАФАККУР → 5



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашининг 2009 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан, мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:
— Ашраф Аҳмедовга — "X—XV асрлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган Ўрта Осиёлик олимлар илмий меросининг ўрганилиши" (Бағдод, Хоразм Маъмур академиялари, Самарқанд илмий мактаблари мисолида) монографиялар мажмуи учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:
фан ва техника соҳасида:
— Тўрабек Нугманович Долимов, Виталий Иванович Пройцкийга "Эволюцион геология" монографияси учун;
адабиёт соҳасида:
— Омон Сулаймонович Мухторов (Омон Мухтор)га — "Навоий ва расссом Абулхайр" дилогияси учун;
санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:
— Абдиев Олим Жабборович, Рашидов Ориф Олимович, Раҳмонов Абдусофиҳон Рафиқовичга — Истиқлол даврида Бухоро вилоятининг меъморчилигида аъёнлар ва бадийи меросни асраш амалиёти бўйича ишлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2009 йил, 24 август

МУКОФОТ МУБОРАК

Бошланиши биринчи саҳифада.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

Одилов Жаҳонбек Жўраевич — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош раҳбари

Азизов Азамжон — Кўкон шаҳар мусикали драма театри саҳналаштирувчи режиссёри ва раҳбари

Жамолова Дилдора Абдуваҳодова — В. Успенский номидagi республика махсус мусика академик лицейи директори

Забирова Фатима Галимовна — Гулистон шаҳар кўзи оғизлар маданият уйи директори

Мадраҳимов Алишер Арслоневич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали «Муслик дустура» студияси режиссёри

Махмудов Маъзур Мансурович — «Ўзбекфильм» киностудияси мултипликация постановкачи режиссёри

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун куйидагилар мукофотландилар:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Салимов Олимжон — Республика ёш томошабинлар театри бадий раҳбари

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Абдуллаев Абдураҳим Мўминович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали перспектив телерадиоинформацион студияси катта муҳаррири

Ақбаржўраев Аҳром Ақмалович — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Зийдова Дилбар Абдурахмоновна — «Ўзбектелевидение» студияси бадий филмлар ва телесериаллар ижодий ишлаб чиқариш бўлими мудир

Исмоилов Маҳмуд Хусанович — Ўзбек миллий академик драма театри актери

Луконнов Вохид Хабибуллаевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

Содиқова Маъмура Ғаниевна — УзДА «Фан» нашриёти етакчи муҳаррири

Уватов Убайдулла — Имом Бухорий халқаро маркази директори

Ҳакимов Олимжон Эсонович — Ол-

тирик тумани ҳокимлигининг «Давр овози» газетаси муҳаррири
Ҳамдамов Пулат — «Народное слово» газетасининг Наманган вилояти бўйича махсус муҳбири

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ҳолатини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шўхратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотландилар:

“Дўстлик” ордени билан

Бобоҷонова Дилбар Йўлдошевна — «Uzbekistan Today» газетаси муҳбири

Вишинская Елена Викторовна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби концертмейстери

Зарипова Карима Фахриддиновна — Республика эстрада-цирк коллежи директори

Зойиров Илхом Бафоевич — Фафур Фулом номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Каримбобоева Шаҳноза Усмоновна — Тошкент фотосуратлар уйи директори

Муҳамедов Нейматулло Асатуллаевич — Тошкент ислом университети «Диншунослик ва жаҳон дилларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси мудир

Сатимов Ғафуржон — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Инглиз тили грамматикаси ва тарихи» кафедраси профессори

Толқачёва Нина Егоровна — Тошкент шаҳар 3-сонли маданият уйи раҳбари

Тошев Исмоил Эргашевич — Қашқадар вилояти, Қасби туманидаги 14-болалар мусика ва санъат мактаби директори

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодга Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотландилар:

“Шўхрат” медали билан

Абдуллаева Зайнаб Отабоевна — «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқонаси илмий ходими

Ақбаров Баҳром Хасанович — «Укутчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Ақбаров Ғайрат Қосимович — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар мусика ва санъат мактаби директори

Аҳророва Соҳида Халиловна — «Ўзбекистон киносанъати музейи» фонди бўлими бошлиғи

Бобоқуллова Латофатхон Абулхаевна — «Овози тожик» газетасининг харф терувчи оператори

Григорян Ареват Эдуардовна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ешлар» телерадиоканали «Давр» ахборот дастури муҳарририяти катта муҳаррири, бошловчиси

Изентаев Жарикбағ Жаҳлибаевич — Ўзбекистон Бадий Академияси Бадий кўргазмалар дирекцияси бош директори, рангташвирчи, рассом

Мирзаева Гулнора Акрамовна — Навоий вилояти Навбахор туман марказий маданият уйи директори

Муҳаммадҷонова Феруза Ҳотамҷонова — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Норжигитова Бахринисо Эгамқулқизи — «Гулистон ҳаёти» газетаси муҳаррири

Нишонов Ҳасан Махмарайимович — «Ишон» ва «Ишон-Доверие» газеталари адабий котиби

Пардаев Турдали Эргашевич — Ангрн шаҳар Алишер Навоий номидagi маданият маркази ижодий бўлими услубчиси

Султонова Муборакхон Абдурахмоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоташқиш уйи оператори

Файзуллаев Саидбахром — Жиззах вилояти халқ илҳиёти ва маданий-маърифий ишлар илҳий услубий маркази бўлими мудир

Цой Борис — «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи машинисти

Шамсбобоева Сайёра Мамадалиевна — Наманган вилоят улқани ўрганиш музейи услубий бўлими мудир

Юнусова Зулфия Носировна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» газетаси муҳбири

Киёмов Маъмуржон Умирзоқович — «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлими мудир

Қурбонзои Тоҳирович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ешлар» телерадиоканали директориининг биринчи ўринбосари

Давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи ҳам республика мустақиллигининг ун сақий йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Бердақ номидagi Қорақалпоқ давлат мусиқий театри директори **Наҳиматдин Ансатбоев**, Шаҳрисабз тумани халқ театри режиссёри **Элмурод Боймуродов**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими масъул котиби **Эноҳан Сидқова** «Эл-юрт хўрмати» орденига сазовор бўлишди.

Эл-юрт равнақи йўлидаги самарали меҳнатлари, ижодий изланишлари муносиб тақдирланган барча ватандошларимизни мукофот билан самимий муборакбод этамиз.

Бу кадр-қиммат ва тароват Истиклол тўғрисида ўзгача маъно-мазмун касб этди. Ўзбекистон давлати жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз макеига эга бўлди. Бундан ҳар биримизнинг кўксимиз тоғдек ўсди. Айни шу фахр-ифтихор туйғуларини шу кунларда — мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида яна бир бор ҳис этиб туришимиз.

«Мустақиллик — бу ҳуқуқ демократия». Президентимиз Исрол

Улуғ маърифатпарвар **Абдулла Авлоний шундай деб ёзган эди. Пойтахтимизнинг Мировод туманида Абдулла Авлоний номи билан аталувчи маҳалла маъража Маҳалла аҳли Авлонийнинг маърифатпарварлиги гоиларини яхши билишдаи ва номини ифтихор билан эслашдаи.**

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентдаги Мergenча маҳалласида дунёга келган. Бобоси кўконлик Мирнеъматбой асли ўқчи-ёйчилардан бўлган. Отаси Миравлон ака хунарманлик — тўқуқчилик билан шуғулланган. Пиёнбозор ва ярмарка бозорида бўз ва чит билан савдо қилган. «Онамнинг оти Фотимадир», деб ёзади адиб ўз таржimaiи ҳолида. Дастлабки билимини етти ёшдан ўқчидаги эски мактабда олган. 1890 йилда шу маҳалла мадрасасида ўқиган. Сунг Шайхонтохурдаги Абдумалиқбой мадрасасида Мулла Умар Охунда тахсил кўрган. «1891 йилдан бошлаб, фақат киш кунларида ўқиб, бошқа фасларда мардикор ишладим» — деб ёзади Авлоний. Кейинчалик ҳаёт кеңириши оғирлашган, ҳар хил ишларда ишлаган, бинокорликни ўрганган, гишт қуйган, сувқўчилик, печкачилик, дурдодорлик қилган. Ана шу кезларда унда адабиётга ҳавас уйғонган.

1900 йилда Авлоний савдогарлар хонадонидан бўлган Саломатон деган қизга уйланди. Шу йили отаси вафот этди. Хозирги Мировод маҳалласи ўрнида Мирнеъматбойнинг боғ ҳовлиси бўлган. Тошкент Туркiston генерал-губернаторлиги марказига айланган, Мировод шаҳарининг янги қисмига қўшиб олиниди ва турли иморатлар, қорхоналар қуриш учун бўлиб берилди. «Саперний», «Госпитальный» деб номланган кўчалар пайдо бўлди. Миравлонбойнинг икки ўғли — Абдулла ва Мирсиддик ҳам шу ерда ҳовли-жой қилишган. Сапёрлар қўчасидаги Абдулла Авлоний ўз қўли билан қурган, жуда қўпуб воқеаларга гувоҳ бўлган 74-ўй кўйинги йилларда шаҳарни қайта қуриш даврида бузилиб кетди. 1904 йилда Авлоний Мироводда усули ҳадид мактаби очди. 1907 йилда ўз ховлисида «Шўхрат» газетасини чиқара бошлади. Лекин уша даврнинг тақозоси билан газета тезда ёпилади. Авлоний газета билан шуғулланишдан тўхтамаган ҳолда «Осиё» номи газетани ҳам чиқара бошлаган. 1914 — 1915 йилларда адвокат Убайдулла Хўжаев билан «Садоий Туркiston» газетасида ҳамкорлик қилди. Авлоний 1904 — 1905 йилларда ўз шеърларини «Хижрон» тахаллуси билан эълон қилди. Мақолаларига эса «Мулла Абдулла», «Авлоний», «Абдулла Авлоний» номларини қўйган. Сунгрок «Индамас» деган лақабни ҳам ишлатган.

Авлоний 1909 йилда «Жамияти хайрия» очди. Маҳаллий халқ болаларини қарсақ чалмайсизларми?!», дея хайригандан кейин гулдурас қарсақлар Олий Кенгаш биносини титратиб ўйборганди. Бу тарихий воқеа кино тасмаларига мангуга муҳрланди. Миллионлаб ўзбеклар ҳаётини мен ҳам кўзда ёш билан хайриганди бу воқеани кузатганим ва ушбу мисраларни ёзганим.

Нега жимсиз?!

Кўкўрғаним ёки подлиқдан, Кўкка сурон солмайсизларми, Кутулдиниз мустақилликдан, Энди қарсақ чалмайсизларми?!

«Занжирбанд шер» занжирни узди, Уйғонди халқ, кўрмайсизларми? Ўзбеклар ўз давлатини тузди, Хушлаб, қарсақ чалмайсизларми?!

Она халқим, келажакнинг зўри! Энди ортда қолмайсизларми? Қайтиб келди Навоий, Темур, Сизлар қарсақ чалмайсизларми?!

УСМОН НОСИР МОНОЛОГИ

Қатагон азобини тортган барча ватандошлар хотирасига бағишланади.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Ҳақиқатни қуйлаш уядан-да, Кўзларингга тикилиб сағир, Нон учун пул сўраб турганда.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Бисёр бўлса тизза чўққанлар. Халқ душмани аталса ахир, Ватанга жонин тикканлар.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Эрк тўлғонса, зорланса бўзлаб, Қор улкага жўнатса тагин, Учарми деб овози музлаб.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Сўз инсоннинг бўлса жаллоди. Жон сотиб кун қурувчи — бахил Кимсаларнинг голий авлоди.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Болалар ҳам берсалар сўроқ, Она сутти оғзида — ҳақир, «Пулдат ота» қилаверса оқ.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Зил-замбилдай бўлса тошлари. Бўғзингача келса шўр, тахир, Оналарнинг кўзин ёшлари.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, У ёлғондан куч олса эмб. Эрта кунга ишончинг — оғу, Шубҳа, гумон ётса кемириб.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Агар тахтда ўтирса шайтон, Ўзин билса худро деб ёҳу, Инсон жони — сабил қолган жон.

Ҳақиқатни кўтармоқ оғир, Бўлган замон ўтар замонлар... Бир Ҳақдан руҳ юксалар мағрур, Бу ҳақиқат — Ўзбекистонлар.

Шодмонқул УСАНОВ

Журналларни варақлаганда

“ГУЛИСТОН”, 2009/4

Журналнинг навбатдаги сониди давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини амалдорлигини ошириш, миллий адабиётимизни янада ривожлантириш хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан очилди.

Журналда Зайниддин Исмаҳамедовнинг академик Иброҳим Мўминовга бағишланган «Яхшидан боғ қолаши», тадқиқотчи Ойшамгул Муҳаммаднинг «Ун икки мактам хусусида», М.Раҳмонова-

нинг «Фитрат шарқ ва ғарб маданияти хусусида», фалсафа фанлари доктори Эркин Умаровнинг «Эстетик маданият ва ижтимоий тараққиёт», Мафруза Каримованин танқидий ҳофиз Маҳмуджон Йўлдошев ижоди ҳақидаги «Санъат саодати», Мансур Тенглашевнинг Гегел ҳаёти ва фалсафий қарашлари бағишланган «Даҳонинг ҳаёти», Насиба Бахриддинованин «Муסיқа ва замонавийлик» сарлавҳали мақолалари ҳамда бир қатор маданият ва санъат янгиликлари эълон қилинган.

Авлоний жаҳолатни қоралар экан, кўпгина машур алломалар фикрини мисол қилиб келтиради: «Сўқрот ҳақим: «Дунёда энг ҳазар қилинадурин иллат жаҳлдор. Мен жоҳилга ачинагиман-дек кўрга ачинайман, зероки жоҳилнинг ўз иҳтиёри ила қилган ҳаракати аъмонинг иҳтиёриси қилган ҳаракатидан... хунук», — демиш.

Авлоний ўз фикрлари билан Туркistonнинг озод ва обод кўлини астойдил ишонган: «Гулоби хуррият атри мусафоссин отар бир кун, Дилим, ғам чема кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам, Чикиб бўлбуллари чачақ қилур, гулур ўлур олам», деб ёзган. У эрк ва хурриятга етмоқнинг йўли битта — бирлашиш, миллий демократик қучларни бирлаштириш, деган хулосага келган. Шу билан бирга илм-маърифат бўлмаса, халқ саводсиз бўлса, унинг ўз ҳуқуқини англай олиши қийинлигини таъкидлаган.

МАЪРИФАТ — ШИЖОАТИР

Маърифатли киши шижоатли бўлур!

Ўз қарашлари билан илм-маърифатга кенг йўл очишни ўйлаган Авлонийнинг фикрича, ақл илм ва тажриба соясида камол топади. «Илм инсон учун гоий олий ва муқаддас бир фазилат... Инсон ибрат назари ила боқиб, дунё китобидан ўз қадр-ҳиссасини билиб олмай ло-зимдур», — деб ёзади у. — Шунинг учун ақл соҳиблари, фанатон эгалари ўзлари фойдаси бўлса бўлмаса, синчиқлаб қарагон нарсалардан бир ҳисса олмай қўйдимаслар».

Авлонийнинг ижтимоий қарашларидан Ватан меҳри, она-юрт қадри, Ватани эъзозлаш ва асраш ҳақидаги авлоний муҳим урин тутади. Жумладан, Авлоний айрим кишиларнинг ўз ҳовли-жойларини, мол-мулкларини сотиб, Макка эрибатиға бориши ва яна уларнинг аксари ўз ватанларига қайтиб келишини тилга олади: «Бунинг сабаби, яъни буларни тортуб кетургон куват ўз ватанлари тупроқларининг меҳру муҳаббатидур». Авлонийнинг «Ватан» шеърисида бу фикрлар теран маънолар билан давом эттирилган.

Авлоний инсонпарварлик олимлик, фозиллик ва юксак одобни ўзида мужассам этишига эътибор қаратади. Фозиллик ва одиллик мезони сифатида исломий ахлоқ ва ота-боболаримиз тарбиясига хизмат қилган турмуш қоидаларини кўрсатади. Кишилар ахлоқийликка ундаш, ёмонликдан қайтариш чинакам олижанобликдир. Яхшилик дўстликни вужудга келтиради. «Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмақдан иборат», — деб ёзади Авлоний.

Истиқлол фидойилари



Мамлакат асарлар

Туркiston элининг илм ва маърифат ила хурлигини, эркини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳаётини бағишлаган Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда вафот этган. Бугун халқимиз ўз истиқлолининг 18 йиллигини нишонлаётган улу қунларда Авлоний каби бутун умр истиқлолни оруз қилиб, халқини илм ва маърифат ила озодликка чиқаришни ўйлаган болболаримизни ҳам эслаб, руҳларини шод этамиз.

Авлоний номи билан маърифат ила хурлигимиз байрами ва Тошкентнинг 2200 йиллигини қўшақ тўғи сифатида нишонлар экан, бу қунларга етмай ўтган истиқлол фидойиларининг номларини фахр-ифтихор билан эслашди. Маҳалламизда Абдулла Авлоний номи мактаб фаолият олиб бормоқда. Беҳбудий, Авлоний каби улуғ аждоқларимизнинг маънавий мероси уларнинг миннатдор авлодлари томонидан алоҳида меҳр-муҳаббат билан ўрганилмоқда. Уларнинг илмий мероси истиқлолимиз моҳиятини англашда бугунги ёшларимизга ҳам фойдали манба бўлиб хизмат қилаётир. Зеро, мустақил Ўзбекистон ёшлари қомилликка интилар эканлар авлодлар мероси уларга ҳамроҳ бўлаверади.

Феруза МУҲИДИНОВА, Тошкент давлат юридик институти доценти, Шаҳзод ИСЛОМОВ, институт магистранти



ушбу достонда юксак мантқиқ билан исботлаб берилган. Ҳазрат Навоий Ватан — муқаддас тушунча эканлигини, барчани Ватанга муҳаббат билартиришини олдидан баёрат қилгандек.

Биз бугун бир тан, бир жон бўлиб, Ватанимиз мустақиллигини маънавий ва моддий жиҳатдан янада мустақамлаш учун барча жаҳаларда фидойийлик кўрсатиб, меҳнат қилшимиз лозим. Бу борада, айниқса, ижодкорлар зиммасидаги масъулият ва вазифалар салмоқлидир.

Президентимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида таъкидлаганидек: «Халқимиз йиллар давомида орзиқиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан сўнғ ҳар қандай тахдид ва хатарларга қарамадан, юртимизда тинчлик ва осейишталикни сақлаш, мустақилликни мустақамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсатида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай оғир йўллардан, қандай мураккаб босқичлардан ўтшга тўри келаятганини чуқур англаб етишимиз керак».

Юртбошимизнинг бу давватлари нафақат ижодкорларга, шуни-дег, бутун халқимизга қарата айтилгандир. Зеро, англаб етишимиз лозим бўлган ҳақиқатлар асарларида ҳақоний эски эътиқодни ижодкор ўз меҳнатидан қоникши ҳосил қилади.

Буюк мутафаккир адиб Х.Борхес: «Бир босмақонада эзгуликни тарғиб этуви асарини ҳам, ёзувликка қорловчи асарини ҳам босса бўлади», деган эди. Чинакам халқпарвар, миллатпарвар ижодкор, албатта, ўз ижодий салоҳиятини эзгуликка қаратмоғи тайин. Бугун ҳақонда глобал ўзгаришлар кечаятган бир шароитда ижодкор эзгулик баҳасида туриб, ўз халқи, Ватани, келажак авлоди, қадриятларини, буюк маданий меросидан тортиб миллий урф-одатларига асраб-авайлашгача масъулдир.

Шуқур СОДИҚ

КУШЛУГ ТУЙ

Тонг-ла оппоқ тилак билан учрасан,
Келсанг, сирли эртак билан учрасан,
Юртим деган юрак билан учрасан,
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Қафол Шойи авлодлари, наслари,
Кўхакийнинг палаги пок асиллари,
Мангу гулдир истиқлолнинг фасллари,
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Тўёнао тайёргарлик қилиб келди,
Сирларнинг санамлари олиб келди,
Сурхондарё барчинлари кулиб келди
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Самарқанднинг сараланган гулзуллари,
Бухоронинг барнолари, ойзуллари,
Кириб келди Навоийнинг юздуллари
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Узун бўйли Қорақалпоқ дилбарлари,
Андижону Жиззахининг гавҳарлари,
Ховва, галди Хоразмнинг сарварлари
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Меҳриларё — Қашқадарё гўзаллари,
Фарғонанинг парилардан афзаллари,
Келуттала Намангоннинг асаллари
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Бунда ақл ақл билан бирлашадир,
Сув парилар сув остида сирлашадир.
Кириб келсанг юракларинг нур талашур,
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Шодиёна — истиқлолнинг тимсолидир,
Бахтли элнинг жамолидир, камолидир,
Иймонли юрт ҳаёлидир, ибодлидир,
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Дуо қилган момолари юзин кўрган,
Боболари тўйдан чиқиб тўйга кирган,
Кўз тегмасин карнай-сурнай чалиб турган
Тошкентимнинг кутлуг туйига.

Зулфия МҲМИНОВА

Тўйга тўй уланади
жонажон диёримда,
Кўйга куй уланади
жонажон диёримда.

Пойтахти азим — Тошкент,
боиси назм — Тошкент,
Кургай чўнг бозм Тошкент
жонажон диёримда.

— Икки минг икки юз ёш
муборак бўлсин, эй Шои! —
Дер гўё порлаб кўёш
жонажон диёримда.

ЖОНАЖОН ДИЁРИМДА

Бу байрам — улуг байрам,
завақларга тўлуғ байрам.
Жам бўлган бутун олам
жонажон диёримда.

Юртбошим эрур сарбон,
шундан бехатар карвон.
Кучгаймиз зафар ҳар он
жонажон диёримда.

Хуррамлик замони — бу,
Истиқлол нишони — бу,
Эл доверуги — шони бу
жонажон диёримда.

Хуш он келгани шудир,
даврон келгани шудир,
Тол келгани шудир
жонажон диёримда!

Зиёвуддин МАНСУР



Отабекни туққан юрт,
сокин кечди тувларинг,
Розӣ бўлиб кетгандир
сеидан «Ўтган кунлар»инг.

Она Шарқнинг гавҳари,
дунё ҳам севиб қолди.
Сени пойтахт аташиб,
аҳли Ислон тан олди.

Дўстлик номи сен билан,
сен эгзулик тимсоли,
Юксакларга бўй чўзар
бу кун умид ниҳоли.

Бунёдкорлик бобида
бордир азалдан мерос,
Ҳар неки олий мақом,
шаҳрим, фақат сенга хос.

Сендан олгум ибратни,
ҳар бир ишда бошимсан,
Боқийликка дахлдор
менинг азим Шойимсан!

Ашуралӣ БОЙМУРОД

МУВАШШАХ

Шобора яшариб, яшнаган юртим,
Олис ўтмишингни варақлаб кўрдим.
«Шо» номинг, «Чо» номинг, «Бингашу» «Таржан»
Кўҳна тарих кўксин забт эта олган.


Ўтти иқлим ичра ўзинг яғонам,
Наво ичра боқий мумтоз таронам.
Шиллодек тупроғинг, хоқларинг ўпгум,
Шоҳона баргингиде шарқона удум.

«Авесто»да номинг — кўларимга нур,
Риёзатда сени куйлади Бобур.
Қошғарий девони — «Ўғат»да борим,
Дунё тан олганим — бағри баҳорим!

Аждодлар замони — тонларинг ҳаққи,
Рўйи заминда хуш онларинг ҳаққи,
Волидам — Тошканим, бир қизингдурман,
Озод юрт нафаси — мен юзингдурман!

Замин узра асло топмадим сендек,
Арзимас каломим битдим сени деб.
Савлатинг, пойтахтим, мақтовларга мос,
Илло, мақтов отида ўзим чавандо!

Маҳфуза МАЖИД қизи



МАНГУ ОМОН БУЛ!

Бир сўз бор —
Ҳар недан улуг, муқаддас,
Жаннат ҳавосидек табарук тоти.
Агар у йўқ эса дунё бир қафас,
Фидо унга не-не мардлар ҳаёти.
Бир сўз бор —
Ҳар недан азиз, мўътабар,
Усиз бахт қасрининг дарвозаси берк.
Унингсиз бемаъни карвон-карвон зар,
Бир сўзки, юракда жаранглайди:
Эрк!
Бир сўзки, унингсиз татимасди ҳеч
Минг бир вақтихушлик, минг битта шодлик.

Ўзбекистон десам, бўлмай намоеи
Кўзларим олдида олтин далалар.
Ё кўёш нурлари жам бўлган хирмон,
Ой нури ярақлаб оққан палларар.

Ўзбекистон десам, ҳаёл айвони
Ўзра пайло бўлур бободоҳқоним,
Дунёда не иллат бўлса, дармонинг
Олмага, ўрикка йиққан богбоним.

ЎЗБЕККИСЯТОН

Дастурхон йил бўйи тўкин, фаровон,
Кўшиқлар фалакавж, тиммас тўй, базм,
Мудом шеш аҳлининг қалами равон —
Дехқонга ташаккур, богбонга таъзим.

Дехқон кўли билан ризқ берар Раззоқ,
Рағз олар апроғу жон топар тибх,
Арзигай айласам васфин битгар чоғ
Кўзимни довоту қаросин сиёх.

Лутфулло МАХМУД



ТОШКЕНТИМ

Тошкентим, Осиёнинг
кўксидеги Кўёшсан,
Мозийнинг дил садоси,
асрларга сирдошсан.

Қадим Шарқда номингни
Шош дедилар боболар,
Мағрур тутган бошингни
тош дедилар боболар.

Асли сени меҳрдан
қўрган қилиб қурдилар,
Ун икки дарвозангда
огоҳ бўлиб турдилар.

Минг йилларким, Ўзбекининг
пешонаси ўзингсан,
Сен меҳрнинг гўшаси,
кошонаси ўзингсан.

Қодирлар ватани,
Ойбеклар бешингсан,
Асли сен истиқлолнинг
азалий қўшингсан.

Қахрамоннинг қисқача таржимаи
ҳоли:
У иккинчи жаҳон муҳорабасидан икки
йил олдин Когон ақинидаги қишлоқда
туғилган. Сухор деган бу қишлоқнинг
эътиборга сазовор жойи — Ҳазрат Ба-
хувуддин Нақшбанднинг пирилари Ҳаз-
рат Саййид Мир Кулол шу ерда дунёга
келган. Бу икки авлиёнинг ёндосо
мақбаралари яқин-яқинга қаровсиз
ҳолда ётгани-ю, мана энди обод бўлиб
бораётганига қарамай, эскидан бу жой-
ларнинг номи асосан, зиёратгоҳлар
номи билан боғланган.

Кулол, Нақшбанд — бунинг ўзи бир
пайтлар фақат Бухоро шаҳри эмас, чор
атроф қишлоқларида ҳам хунарман-
лик ривож толганидан дарак беради.
Буюк авлиёлар дин арбоблари бўлиш
баробарида, хунар кишилари эдилар.
Улар кўл меҳнати билан тирикчилик
кўрган.

Муслим бобо (у албатта, бир умр
бобо бўлмаган) ақлини таниганидан —
ерни танган эди. Қишлоқда эркак
зоти — урушга ярамаган тўртта чол экан-
лиги-ю, улар кунни бўйи далада судра-
либ, кўпична беш вақт намозни ҳам
далада ўқиганидан, у мактабга бо-
ришдан олдинроқ қора меҳнат ва Ху-
дога ибодат-илтижони ўрганди. Кейин-
чилик жаҳон муҳорабаси даврига
қишлоққа кириб-кирмай турган дахрий-
лик ёпирилиб, янгидан авж олгани,
биринчи навбатда, мактаб ўзи дахрий-
на йўналиш бергани ҳам унинг аввал-
дан қон-жонига синганган — ерга муҳаб-
бати ва қатъий эътиқодини ўзгартирол-
мади. Мактабни битириб-битирмай яна
қўйида кетмон олди. Ҳасратли, изтиро-
бли дамларда — бироз тўққинчилик қи-
лдими, йўқми, аҳамият бермай — азиз
авлиёларни зиёрат қилиб юрди.

Дехқончиликдан ташқари, бир хунар
ҳам эгалламочки эди. Когонда темир-
чилик бўлган бор, темирчилик шоғирд
тутинди. Бирок бу ишдан кўнглида деб
умрлик армон қолди — энди хунар ўр-
наётганида, керак бўлса ҳар ёқдаги за-
водлардан кетмон сотиб оламози, деб
қутулмаганда дўконни ёпиб ташлади.
Бухородаги турли касб-хунар дўконла-
ри ёпиб ташланаётган давр эди.

Отаси урушнинг дастлабки кунлари-
даёқ ҳалок бўлган эди. Онаси «офтоб
уриб» ноубуд бўлди. Эгатада йилкилган
жойидан уйга кўтариб келгунларича
жони узилди... Ун йил ёлғизлик жаҳри-
ни чеқди.

Анча кеч Боқира деган қизга уylan-
ди. Лекин инсон ҳам бир ниҳол экан —
олдин ўтказилгани тарвақайлаб ўсаёт-
ганида, кейин ўтказилгани баъзан қуриб
ҳам қолар экан. Унга уч ўғил, бир қиз
туғиб бергандан сўнг Боқира «ўз вази-
фасини бажариб бўлган»дек, ақлга
сигмайдиган тарзда бир кеча уйқусида
жон таслим қилди.

Кўйди-қолди. Қайтиб уylanмади.
Умр ариқдаги сувдек ўтди-кетди.

Энди фарзандлари улғайган. Оила
қурган.
Бир ўғли — Абдулазиз Бухорода ўқиб,
шу ерда уй-жой қилган.

Бухоро гарчи — икки қадам, бир
қадам нари ҳам — нари!
«Унта бўлса, ўрни бошқа, қирқта
бўлса, қилиғи».

Муслим бобонинг қишлоқда, ёнида
еттита невараси бор. Ўғли Абдулазиз,
келини ёнида. Бунинг устига, Абдула-
зиз хотини, болалари билан гоҳ-гоҳ
келиб туради. Аммо Муслим бобо ба-
рибир, шаҳардаги икки неварасини ҳар
кун соғинади. Ҳафтада-ўн кунда қури-
ниш беришмаса, шартта белини боғлаб,
ўзи шаҳарга қараб жўнайди.

У Бухорога одатича эрталаб барвақт
икки челек мева-чева кўтариб келган
эди.

Ўғлининг уйи — унинг уйи. Мухими,
унинг келиши ҳар гал ўғли, келини,
невараларини ҳажжонга солар, улар
учун байрамга айланарди. Муслим бобо
ўзи ҳам ҳажжонлар ва кўз
тегмасин, деб бу «кўтаринчи-
ликдан» кўнглида бироз
қўрқарди.

Уша кунни ҳам шундай
холот ўз берди. Ҳамма нар-
са бозор, хуррам бошлан-
ди.

Нонуштадан кейин, Мус-
лим бобони яна бир кўчиб-
ўпиб неваралари Анвар ва
Шахло мактабга кетишди.

Улар билан изма-из:
— Зерикманг, дада, — деб қўйиб,
Абдулазиз билан Латофат ўз ишларига
йўл олишди.

Муслим бобо шоймай таҳоратини
янгилади. Жойнамоз тўшаганича, қи-
лага қараб ўтириб, шукрона намози
ўқиди. Сўнг, бошини кўксига солинти-
риб ўтириганича, ўтган бугун ҳаётини
эследи.

— Поко Парвардигоро! Ожиз ва
осий бир банданман. Лекин доим Сенга
инондим ва Сенга таваккул қилдим.
Неки имтиҳонинг бўлса, кўтардим.
Йиллар бўйи юрагимда йилгилан бир
хасрат, бир алам бор. Гоҳо чидаёлма-
ман. Бир ерда ўтиролмайдим. Исён,
деб қабул қилма, Эгам! — шуларни
ўйлаб, кўзлари ёшга тўлди. У барча
фарзандлари, невараларини дуо
қилди. Уларни Худо бало-қазолардан
асрашини тилади.

Бу уйда бўлган пайти унинг учун
неваралари мактабдан қайтишини кут-
ти, бирга тушлик қилиб, ота-онадан
айри ҳолда, улар билан оёйсизла сўх-
батлашиш мўҳим эди. Болалар ота ёки
оналарига айтолмаган гапларини бо-
боларига айтишарди! Олдинлар саба-
ри етмай, невараларини кўчага қилиб
қаршиларди. Ушанда унга баъзан ўғли
билан келини бепарво эканликлари-

дан болаларини ўз ҳолига ташлаб
қўйгандек туюларди. Йўқ, тезда тас-
кин изларди. Барибир, у ҳар кунни бу
ерда эмас. Ўғли билан келини ишли,
болалар эса бир қаричлигидан муста-
қил ўсапти. Балки, шуниси ҳам ях-
шидир! Энди Анвар — ун олти, Шах-
ло — ун тўрт ёшда. Қап-қатта. Ха-
во-тирланиш ортиқча! Шунини ўйласа-да,
ич-ичида тоқатсизланарди... Қандай
бўлмасин, неваралар келгунча вақт-
ни ўтказиш керак!

Диванга чўзилиб, жила ором олиш-
га уринди.

Кўзи илинган экан, афт-ангори гира-
шира хотирасида қолган дехқон ота-
си, қаримай туриб эгиллиб-буқилган,
эркакдан зиёд умрини ерда, далада
ўтказган юпун-бечора онаси, она қис-
матини қайтарган суюкли Боқира ҳаё-
лида яна жонланишди.

— Поко Парвардигоро! Улар бал-
ки, ҳеч бир гуноҳсиз бандалар эмас
эдилар. Лекин Сен уларни Ўз мағфи-
ратингга ол! Сенга инондим ва Сенга
таваккул қилдим... — шуларни

қат бермаса, ўлиб кетади.
Муслим бобо невараларининг «бу
иши»дан беҳабар эди. Ажабланти.
Улар чиқиб кетгач, ҳаёлга чўмди...
Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак
миниб келарди. Абдулазиз ўқиб ю-
рган йилларда ҳам шундай эди. Пайти
етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди
бу содда, меҳнаткаш ҳайвоннинг ўзи
йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир ма-
шинада, мотоцикл, велосипедда юради.
Ана, тўнчи ва кенжа ўғиллари —
Абдуҳаким билан Абдурахимнинг ҳам
машиналари бор, шаҳарга тушганида
улардан бири, кўпична Абдурахим унел
келтириб қўяди, қайтганида олиб кетади.
Абдулазизнинг уйига кирса-кирди,
вақти бўлмаса, салом айтиб кетаве-
ради, фермада ишлайди, иши кўп.
Қизи Мўмина эри билан қажавали мо-
тоциклда юришади. Қишлоқ олдин-
гидан буткул ўзгарган. Катта йиллар
очилиб, иморатлар ҳам шаҳардаги-
дан қолшмайдиган тусга
кирапти. «Қишлоқ шаҳарга
қўшаб бораётми» дейи-
шди. Муслим бобо диққат қилиб,
кўр ва кар ҳолга солаётган гафлат ҳам
беркинби ётмаганмикан?! Бу кун
қоплондан кийиккача номи «Қизил
китоб»га кириб, қўриқхонада сақлан-
гани, эшакдан ит-мушуккача йўқолиб
бораётганига уйғун тарзда эртага бу-
тун бошли ўзини асраётган, ҳимо-
ясиз халқлар, миллатлар бирин-
син йўқолиб кетмайдими?! Эй! Бу кун-
нинг ўзидаёқ Ер юзида...

МУСЛИМ БОБОНИНГ НЕВАРАЛАРИ

ўйлаб, ўрнидан турди. Неваралар
келгунча вақтни ўтказиш керак!
Нари-бери юра бошлади. У ён-бу ён
каради.

Эшикнинг икки қулфидан бири
бузуқ, йўлак ва ювинадиган хонада
чироқ қўйган... Абдулазиз бир қо-
лежда дарс беради. Иши кўп. Ла-
тофат катта бир идорада ҳисобчи. Гоҳо
уйга дафтар қўтариб келиб, кечалари
ҳам рақам санайди. Умуман, булар уй
билан шугулланмайдими. Буни болалар-
га қолдирган... Эшик қулфини тўза-
ди. Ҳаммаёқда чироқни «ярақлатиб»
қўйди. Қачон бу уйга келса, шундай
ишларни ҳам ўринлартади.

Пешин намозини ўқиди.
Неваралар ҳамон келмаётган эди.
Дераза олдида бориб, қўчага қаради.
Ўғли учинчи қаватда туради. Ховли
кафтагидек кўринади. Рўпарада яна
бир беш қаватли уй. Орада болалар
ўйнайдиган майдон, яқкам-дуккам да-
рахтлар. Сўнги йиллар буйи чўзган да-
рахтларни кесилганидан, иккала би-
нонинг ҳам юқори қаватлари яланғоч-
лашиб, офтоб тиги тўғри санчиллаган
бўлиб қолган. Эзда бу қаватларда ту-
радиганларга қийин.

Ховлининг бир томони — шариллаб
машиналар ўтаётган катта йўл. Икин-
чи томонда — олдинлар клубни, чой-
хонами бор эди, уни бузиб, бировлар



Омон МУХТОР,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мукофоти лауреати

қат бермаса, ўлиб кетади.
Муслим бобо невараларининг «бу
иши»дан беҳабар эди. Ажабланти.
Улар чиқиб кетгач, ҳаёлга чўмди...
Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак
миниб келарди. Абдулазиз ўқиб ю-
рган йилларда ҳам шундай эди. Пайти
етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди
бу содда, меҳнаткаш ҳайвоннинг ўзи
йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир ма-
шинада, мотоцикл, велосипедда юради.
Ана, тўнчи ва кенжа ўғиллари —
Абдуҳаким билан Абдурахимнинг ҳам
машиналари бор, шаҳарга тушганида
улардан бири, кўпична Абдурахим унел
келтириб қўяди, қайтганида олиб кетади.
Абдулазизнинг уйига кирса-кирди,
вақти бўлмаса, салом айтиб кетаве-
ради, фермада ишлайди, иши кўп.
Қизи Мўмина эри билан қажавали мо-
тоциклда юришади. Қишлоқ олдин-
гидан буткул ўзгарган. Катта йиллар
очилиб, иморатлар ҳам шаҳардаги-
дан қолшмайдиган тусга
кирапти. «Қишлоқ шаҳарга
қўшаб бораётми» дейи-
шди. Муслим бобо диққат қилиб,
кўр ва кар ҳолга солаётган гафлат ҳам
беркинби ётмаганмикан?! Бу кун
қоплондан кийиккача номи «Қизил
китоб»га кириб, қўриқхонада сақлан-
гани, эшакдан ит-мушуккача йўқолиб
бораётганига уйғун тарзда эртага бу-
тун бошли ўзини асраётган, ҳимо-
ясиз халқлар, миллатлар бирин-
син йўқолиб кетмайдими?! Эй! Бу кун-
нинг ўзидаёқ Ер юзида...

қат бермаса, ўлиб кетади.
Муслим бобо невараларининг «бу
иши»дан беҳабар эди. Ажабланти.
Улар чиқиб кетгач, ҳаёлга чўмди...
Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак
миниб келарди. Абдулазиз ўқиб ю-
рган йилларда ҳам шундай эди. Пайти
етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди
бу содда, меҳнаткаш ҳайвоннинг ўзи
йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир ма-
шинада, мотоцикл, велосипедда юради.
Ана, тўнчи ва кенжа ўғиллари —
Абдуҳаким билан Абдурахимнинг ҳам
машиналари бор, шаҳарга тушганида
улардан бири, кўпична Абдурахим унел
келтириб қўяди, қайтганида олиб кетади.
Абдулазизнинг уйига кирса-кирди,
вақти бўлмаса, салом айтиб кетаве-
ради, фермада ишлайди, иши кўп.
Қизи Мўмина эри билан қажавали мо-
тоциклда юришади. Қишлоқ олдин-
гидан буткул ўзгарган. Катта йиллар
очилиб, иморатлар ҳам шаҳардаги-
дан қолшмайдиган тусга
кирапти. «Қишлоқ шаҳарга
қўшаб бораётми» дейи-
шди. Муслим бобо диққат қилиб,
кўр ва кар ҳолга солаётган гафлат ҳам
беркинби ётмаганмикан?! Бу кун
қоплондан кийиккача номи «Қизил
китоб»га кириб, қўриқхонада сақлан-
гани, эшакдан ит-мушуккача йўқолиб
бораётганига уйғун тарзда эртага бу-
тун бошли ўзини асраётган, ҳимо-
ясиз халқлар, миллатлар бирин-
син йўқолиб кетмайдими?! Эй! Бу кун-
нинг ўзидаёқ Ер юзида...

қат бермаса, ўлиб кетади.
Муслим бобо невараларининг «бу
иши»дан беҳабар эди. Ажабланти.
Улар чиқиб кетгач, ҳаёлга чўмди...
Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак
миниб келарди. Абдулазиз ўқиб ю-
рган йилларда ҳам шундай эди. Пайти
етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди
бу содда, меҳнаткаш ҳайвоннинг ўзи
йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир ма-
шинада, мотоцикл, велосипедда юради.
Ана, тўнчи ва кенжа ўғиллари —
Абдуҳаким билан Абдурахимнинг ҳам
машиналари бор, шаҳарга тушганида
улардан бири, кўпична Абдурахим унел
келтириб қўяди, қайтганида олиб кетади.
Абдулазизнинг уйига кирса-кирди,
вақти бўлмаса, салом айтиб кетаве-
ради, фермада ишлайди, иши кўп.
Қизи Мўмина эри билан қажавали мо-
тоциклда юришади. Қишлоқ олдин-
гидан буткул ўзгарган. Катта йиллар
очилиб, иморатлар ҳам шаҳардаги-
дан қолшмайдиган тусга
кирапти. «Қишлоқ шаҳарга
қўшаб бораётми» дейи-
шди. Муслим бобо диққат қилиб,
кўр ва кар ҳолга солаётган гафлат ҳам
беркинби ётмаганмикан?! Бу кун
қоплондан кийиккача номи «Қизил
китоб»га кириб, қўриқхонада сақлан-
гани, эшакдан ит-мушуккача йўқолиб
бораётганига уйғун тарзда эртага бу-
тун бошли ўзини асраётган, ҳимо-
ясиз халқлар, миллатлар бирин-
син йўқолиб кетмайдими?! Эй! Бу кун-
нинг ўзидаёқ Ер юзида...

қат бермаса, ўлиб кетади.
Муслим бобо невараларининг «бу
иши»дан беҳабар эди. Ажабланти.
Улар чиқиб кетгач, ҳаёлга чўмди...
Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак
миниб келарди. Абдулазиз ўқиб ю-
рган йилларда ҳам шундай эди. Пайти
етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди
бу содда, меҳнаткаш ҳайвоннинг ўзи
йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир ма-
шинада, мотоцикл, велосипедда юради.
Ана, тўнчи ва кенжа ўғиллари —
Абдуҳаким билан Абдурахимнинг ҳам
машиналари бор, шаҳарга тушганида
улардан бири, кўпична Абдурахим унел
келтириб қўяди, қайтганида олиб кетади.
Абдулазизнинг уйига кирса-кирди,
вақти бўлмаса, салом айтиб кетаве-
ради, фермада ишлайди, иши кўп.
Қизи Мўмина эри билан қажавали мо-
тоциклда юришади. Қишлоқ олдин-
гидан буткул ўзгарган. Катта йиллар
очилиб, иморатлар ҳам шаҳардаги-
дан қолшмайдиган тусга
кирапти. «Қишлоқ шаҳарга
қўшаб бораётми» дейи-
шди. Муслим бобо диққат қилиб,
кўр ва кар ҳолга солаётган гафлат ҳам
беркинби ётмаганмикан?! Бу кун
қоплондан кийиккача номи «Қизил
китоб»га кириб, қўриқхонада сақлан-
гани, эшакдан ит-мушуккача йўқолиб
бораётганига уйғун тарзда эртага бу-
тун бошли ўзини асраётган, ҳимо-
ясиз халқлар, миллатлар бирин-
син йўқолиб кетмайдими?! Эй! Бу кун-
нинг ўзидаёқ Ер юзида...

қат бермаса, ўлиб кетади.
Муслим бобо невараларининг «бу
иши»дан беҳабар эди. Ажабланти.
Улар чиқиб кетгач, ҳаёлга чўмди...
Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак
миниб келарди. Абдулазиз ўқиб ю-
рган йилларда ҳам шундай эди. Пайти
етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди
бу содда, меҳнаткаш ҳайвоннинг ўзи
йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир ма-
шинада, мотоцикл, велосипедда юради.
Ана

Тошкент — Марказий Осиёнинг узок тарихга эга бўлган йирик адабий-маданий ўчоқларидан бири. Бу қўлтуғ заминда кўплаб илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари яшаб ўтганлар. Афсуски, биз тарихий манбаларни яхши ўрганмаганлигимиз боис, улар ҳақида етарли тасаввурга эга эмасмиз. Ҳолбуки, араб, форс, хитой тилларидаги манбалардан хабардор олимларнинг шаҳодат беришларича, миллий маданиятимиз илдирилари олис асрларга бориб тақалади.

Илмий адабиётда араб истилосига қадар бўлган даврда Тошкентда яшаб ижод қилган шoir ва ёзувчилар тўғрисида маълумот учрамайди. Араб истилосидан кейин хозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаб, баъдий ижод билан шугулланган шoir ва олимлар эса ўз асарларини, асосан, араб тилида ёзганлар. Нишопурда туғилган, Марказий Осиёнинг Бухоро ва Хоразм сингари шаҳарларида бўлган, шу шаҳарлардаги фозил кишилар билан танишган араб савдогари ва олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961 — 1038) "Итимад ад-даҳр фи маҳосин ал-аср" ("Аср ахлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси") асариди шу шаҳарларда яшаб, араб тилида ижод қилган тошкентлик шoirларнинг ҳам бир наҳаси тилга олинган.

Ас-Саолибийнинг гувоҳлик беришича, Бухоро Сомониёлар ҳукмронлиги даврида замонанинг илгор кишиларини ўзида жамлаган ва шу тўғрисида "шон-шухрат макони" ва "Салтанат Каъбаси" сифатида шухрат қозонган. Уша вақтда, ас-Саолибийнинг шoirона ташбеҳи билан айтсак, мазкур "Каъба" узра "ер юзи адибларининг юлдузлари" порлаб, чор атрофини ўз нурлари билан мунавар қилган.

Бухорода туپланган шундай шoir ва фозиллар орасида тошкентлик (шошлик) шoir Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Матрон ал-Матроний ҳам бўлган. У ва у сингари Бухорода йилгилан ижод ахли ҳақидаги тасаввуримиз ёрқинлик касб этиши учун Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавийнинг куйидаги сўзларини келтириш айтиш мумкин:

"Менинг отам, — деган экан у ас-Саолибийга, — Абул Ҳасан амир ас-Саид даврида Бухорога даъват этилган эди. У эрга Абул Ҳасан ал-Лаҳом, Абу Муҳаммад ибн Матрон, Абу Жаъфар ибн Аббос ибн ал-Ҳасан, Абу Муҳаммад ибн Аббасиёб... ва улар (Сомониёлар) хизматида бўлган энг фозил мухожирлар туپланган эди. Улар ҳаммалари у ерда йилгилан эди, дўстлик суҳбатлари уларни бири-бири билан яқинлаштирган эди. Улар ахлойиб музокаралар олиб боришар, музоҳаб раёхонлари билан алмаширар, адаб мушкларини сочишар, бир-бирларига марварид дурларини селишар ва соҳр турғунга дам солишар эди. Отам менга шундай деган эди: "Эй ўғлим, бу кўчликчи (атокчи) кишилар туپланган машҳур кундир, унинг тарихини энг машҳур фазиллати ва замонанинг ягонаси бўлган кишилар туپланган (кун) хисоб-

Бу соҳ қўқининг кўриниши нурли бўлса ҳам, келтирадиган хабари зулматдир..."

Кўраимизки, умр шомида ёзилган бу шoir шoir қалбининг ҳазин ва гамнок туйғулари билан тўқилган. Матроний ёшлик фаслининг учиб кетётган кушларини ҳасрат ва надомат хислари билан кузатар экан, ўзи учун шу ўта ноҳуш манзарани шеърини санъатнинг шундай рангин ипақлари билан тикиб беради-ки, биз орадан ўн аср ўтганига қарамай, шу сатрлардаги шoir руҳий оламнинг нафис ва латиф тасвиридан ҳайратга тушамиз. Бу, беназир поэтик тасвиргина бўлиб қолмай, айни пайтда, ундан шарқона фалсафий тафаккур нурлари ҳам ёғилиб туради.

Тошкент — 2200

тимий масалаларнинг кўтарилушига алоҳида эътибор қаратилган.

Манбаларда қайд этилишича, Бадри Чочий Шох (Чоч) шаҳида яшаган чолларида туркий тилда ёзган шеърлари билан ҳамшаҳарлари ўртасида шон-шухрат қозонган. Аммо у 1332 — 1333 йилларда ҳаж сафари билан Маккага бориб, мусулмонлик фаззини адо этганидан сўнг Хиндистонга бориб, уша ерни таъдили макон этди ва ўз асарларини форс тилида ёзди.

Тошкентлик, умуман, марказийосиёлик аскар қалам ахлининг Х — XIV асрларда киндик қони тўқилган тупроқни тарқатиб, бошқа юртларга кўчиб кетиши уша даврдаги тарихий-ижтимоий шaroит билан бевосита боғлиқ. Араб истилосидан кейин кўп ўтмай, мўғул қўшинлари томонидан хонавайрон қилинган Марказий Осиёда қалам ахли учун узок вақтгаача соғлом ижодий муҳит ўрнатилмади. Натижда Бадри Чочий сингари истеъдодли шoirлар бошқа юртларга, бориб яшагача мажбур бўлдилар.

Бадри Чочий нафақат истеъдодли, балки сермахсул шoirлардан бўлиб, Тошкент ва Хиндистонда яшаган кезларда юзлаб ғазал, қасида, қиъта ва рубоийлар ёзган. Унинг бу асарлари турли мажмуаларда эълон қилинибгина қолмай, шеърят мухлислари томонидан кўчириб олинди, севиб ўқилган. У хинд юртида яшаган даврида эса, манбаларда айтилишича, форс тилида 35 минг байтлик "Шохнома"ни ёзган ва лирик шеърлардан иборат 6 минг байтлик девонини тузган. Афсуски, унинг бу асарлари бизгача етиб келмаган. Аммо шoirнинг "Шарҳи қасоиди Бадри Чочий" ("Бадри Чочий қасидаларига шарҳ") асарининг ўз даврида "малик уш-шуаро" ва "малик уз-замон" унвонлари беҳиз сазовор бўлмаганини кўрсатади.

Бадри Чочий — Шарқ адабиётида қасида жанри тараккиётга катта ҳисса қўшган шoirлардан бири. Унинг қасидалари мураккаб тил ва услубда ёзилганиги боис ҳатто С.Айниёдек адиб ҳам бу асарларни "мушул писанд" асарлар, деб атаган. Б.Чочий қасидаларининг "мушул писанд"лиги уларда ифодаланган мазмуннинг теранлиги ва сўз ўйинлари беҳад даражада бойлигидадир. Уз ҳаётини Б.Чочий ижодини ўрғанишга бағишлаган ва, афсуски, узок йиллар давомида олиб борган изланишларини яқунлашга улгурмаган Шарқ адабиётининг нозик билимдони Абдулаҳад Анисий шу ҳолни изоҳлаб, бундай ёзган эди:

"Бадри Чочий (вафоти 1344) қасида-чилик ривожланиб, мураккаблашиб, нависанднинг ўзи яшаган замон ҳаётига муносабатини ифодалашнинг энг нозик кўриниш ва усуллари вужудга келган даврда яшаб ижод этди. Бу вақтда "ҳунар" ҳали мураккаблашиб улгурмаган, фақат тешбехлар, ибора ва муқоъсалар мураккаблаган эди. Бинобарин, у уша йулдан борди. Бундан ташқари, у яшаган даврда Хиндистонда Хисрав Дехлавийнинг (1253 — 1325) таъсири жуда кучли эди..."

Ҳаётининг сўнги даврларини Дехлида ўтказган Бадри Чочий ҳам бу соҳада Хисравга маълум даражада эргашган эди. Агар уша давр адабиётида кўп фикрларнинг киноя ва қочирим билан баён қилинганини асга оласак, у ҳолда Бадрининг қасидалари аслида мактов эмас, балки... ўзи яшаган давр ҳаётига нисбатан Чочий муносабатининг ажайиб ифодасидан иборат эканини яқоқ кўра-миш.

Ҳар ҳолда, ўзбек адабиёти осмонида Алишер Навоий кўеши пайдо бўлгунча қадар Осиёнинг турли ўлкаларида шундай тошкентлик шoirлар араб ва форс тилларида ижод қилиб, ўзбек адабиёти тарихининг дастлабки саҳифаларига ўз номларини ёзишган.

Наим КАРИМОВ

Инсоният тарихида тилга доимо катта эътибор бериб келинган. XX аср сўнгида тилга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш ғояси кенг ёйилди. Бу беҳиж эмас, албатта. Чунки жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий тиллар давлат тили ёки расмий тил мақомига эга бўлди.

Президент Ислам Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли асарида ёзганларидек: "...ўзликни энгилмас куч, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намойён бўлади. Жамикки эзгу фазилатлар инсон қалбига, теловало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

ТИЛ — МИЛЛАТ РУҲИ

Китобда тилга кенг ва теран таъриф берилган, ўзбек тили давлат тили мақомига эришгунча қадар бўлган қизгин баҳслар тушунарли ва таъсирчан изоҳланган. Мутафаккир бобоим Абдулла Авлонийнинг куйидаги аниқ ва теран фикри келтирилган: "Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур".

Дарҳақиқат, мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида жуда қизгин, баъзида кескин, муросасиз баҳс-тортишулар бўлганини бу асар ёдидимизга солади. "Ушанда айрим сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мулоқо тўғри келмай-диган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўқча қилиб, улардан ғаразли максаларда фойдаланиш мумкин, — деб ёзди Юртбошимиз. — Ана шундай қалтис ва мураккаб вазиятда эҳтиросга берилганимизда, хушёрликни йўқотганимизда учкундан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди".

Юқоридаги фикрларнинг ҳаққонийлигини айрим хорижий давлатларда расмий тил масаласида бўлиб ўтган муоҳирлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1972 йили Покистондаги Синд вилоятида, мамлакат қонун ассамблеясининг қарорига қўра, синдхили тили расмий тил, деб эълон қилинган эди. Бу ҳудуддаги 11 миллион аҳолининг 45 фоизи урду тилида гаплашади. Тил масаласидаги низо оқибатида бу вилоятда тўқнашулар келиб чиқди ва 50 киши ҳаётдан қўз юмди. Бундай тил билан боғлиқ низолар Хиндистон, Шри Ланка, Канада, Испания, Филиппин ва бошқа давлатларда ҳам тўқнашуларга сабаб бўлган.

1989 йил 19 октябр куні Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг муҳокамасидан сўнг ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди ва бу тарихий ҳодиса мустақилликдан икки йил олдин рўй берди. Албатта, бу, буюк ҳодисанинг амалга ошишида Президентимиз Ислам Каримов бошчилик қилдилар. Масаланинг ҳамма жиҳатлари аҳоли, зиёллар ва кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилинди ва барча фикр-мулоҳазалари чуқур ўрганиб чиқилди.

1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга экани мустаҳкамлаб қўйилди. Юртбошимиз ёзганларидек, "Шу тарихда ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди".

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг жамиятимизнинг барча соҳаларида кенг қўлланаётгани, халқаро миқёсда компьютер ва интернетда ҳам фойдаланилаётганидан мамнунмиз. Ўзбек тили халқаро миқёсда кенг ва фаол мулоқот воситасига айланиб, унинг хорижий давлатлар раҳбарлари билан олиб борилаётган муозакора ва учрашувларда, юксак даражадаги расмий таъдирларда қўлланилаётгани ҳаммамизда гурур-ифтихор туйғусини ўйғотишни давлатимиз раҳбари ўз асариди алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Китобда тилшунослик фанини ривожлантириш учун, айниқса, тилининг жамиятда тутган ўрни, қўлланиши ва ривожланиши учун зарур омилилар ҳамда тилининг инсонлар маънавияти, маданияти, эрфо-одати, менталитети билан боғлиқ этнолингвистик ва психоллингвистик жиҳатлари чуқур ўрганишга ундовча давватлар бор. Чунончи, бир ўрнда қуйидагиларни ўқиймиз: "Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлиқнинг воситаси сифатида она тилимизни асарлашайликми, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимо

ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар наشر этиш, зарур атам ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликини, Ватан туйғусини энгилмақ эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз".

Президентимиз ўзбек тили асрлар давомида араб ёзуви асосида ривожланиб келгани ва 1929 йилда маърифатпарвар зиёлиларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ишлаб чиқилиб, ўн йил мобайинида қўлланини, бирок собиқ шўро сиёсати тўғрисида бу ижодий тажриба низоҳисига етмай қолганини куюниб ёздилар.

Мустақиллик шарофати билан 1993 йил 2 сентябрда "Лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш

бошқаларнинг тадқиқотлари мавжуд. Зеро, Оллоҳ бизга ноёб, талаффуз тўзилиши анча содда (6 унли, 23 ундос), сўзлари кўп маъноли, Юртбошимиз ёзганларидек, баъзиларини "бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо" бўлган бой тилни инъом этган. Дарҳақиқат, "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида келтирилган меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат иборалари, давлатимиз раҳбарининг бошқа бир асарларида келтирилган андиша сўзи теран, кенг ва кўп маънолилиги билан ажралиб туради.

Президентимиз ўзбек тилидаги айрим сўз ва ибораларнинг биз тилшунослар сезмаган тўб маъноларига эътиборимизни қаратганларига тан беришимиз керак. Мен бу сўз ва ибораларни инглиз, немис, рус тилларидаги муқобилларига қиёслаб кўриб, уларда айнан ўзбек тилидаги маънони топа олмадим. Китобда аниқ изоҳлангандек, "эзгу ода-тилимизга айлиниб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран, тарихий, миллий, диний илди-лари борлигини кўриш мумкин". Дарҳақиқат, тушунчалар "асрлар мобайни-да эзу юртимизнинг дунёқарши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу-шурримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларининг амалий ифодасидур".

Бу китобни ҳузур қилиб ўқиб, ундаги давлат тили ва унинг турли жиҳатлари-

Маънавият сабоқлари

га доир фикрларнинг мағзини қаҳиб, унинг раvon ва тушунарли ёзилганига қўйил қолмай илоҳиниқ йўқ. Унда халқ мақолларининг ўз ўрнида қўлланини матнининг сермаънулинини, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилган.


Юртимиздаги турли жой ва кўчалар номлари ҳам муаллиф эътибордан четда қолмаган. Юртимизга умрида қадам қўйилган "доҳий"ларнинг номи қўйилган кўчалар эндиликда ўз тарихий номларини тиклагани халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан бўлгани китобда алоҳида таъкидланади.

Юртбошимиз шундай ёзди: "Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улўг зотлар фидойилик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар ҳозир ҳам кўплаб то-пилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади". Дарҳақиқат, буюк олим фозилларимиз ҳақида фақат юртимизда эмас, балки хорижда наشر этилган турли қомуслар, лугатлар, тарихий асарлар ва қўллан-маларда теран ижодий фикрлар баён этилган. Мен хорижий тиллар бўйича мута-хассис сифатида уларни ўқиганимда, ўзим ҳам шу юрт фарзанди эканимдан фахур ғурурга тўлман.

Президентимиз жаҳон жамоатчили-гининг ўзбек адабиёти ва санъатиға қизиқишини хисобга олиб, уларнинг энг яхши намуналарини чет тилларга тар-жима қилиш ва "шу асосда халқимиз-нинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилат-ларини кенг намойиш этиш боси-сида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлаёт-ганини" айтиб, ҳали бу соҳада кўзага қўринадиган амалий натижаларға эри-ша олмаганимизни кўрсатиб бердилар. Шу билан бирга, чет эллардаги ўзбек адабиётдан таржима билан шуғул-ланувчилар қатори, ўз юртимиздаги ла-балалар орасидан истеъдодли таржи-монлар тайёрлаш мумкин ва зарурли-гини алоҳида таъкидлайдилар. Албат-та, бу жуда муҳим иш. Зеро, таржи-ма орқали юртимиз маданияти, тарихи, адабиёт ва санъати, илму фани бошқа халқларға етказиб берилади, халқимиз-нинг обрў-эътибори ортади.

Президентимизнинг "Юксак маъна-вият — энгилмас куч" асариди мамла-катимизнинг тил сиёсати ва маданияти, умуман, социолингвистика, этнолинг-вистика ва психолингвистика, тилимизда-ги сўз ва ибораларнинг тарихий негизи ва сермаънолилиги, ҳозирги тилшуно-сликда янги назарий йўналиш хисобла-нувчи когнитив тилшунослик (фалсафа-даги билиш назарияси билан боғлиқ) ва топонимика ҳамда таржимашунослик билан боғлиқ чуқур илмий гуялар илгар-и сурилган, мумкин кўрсатилган берил-ган. Бу гуялар ва йўл-йўриқлар келгуси ишларимизда дастуруламал бўлиб хиз-мат қилади.

Абдузўхур АБДУАЗИЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Фан аربоби, ЎЗМУ профессори



да ва мендан кейин давримизнинг ҳайитларида ва уларнинг энг яхши пайт-ларида (кун)ни эслаб қўй. Уйлайманки, йиллар давомида ана шунга ўхшаш йи-ғинли сөн (кайтиб) кўрмасан.

Ас-Саиднинг отаси ўзи гувоҳ бўлган ва иштирок этган гаройиб даврининг ноёблигини, шу гаройиб давр катнаш-чиларининг ҳар бири фақат ўз даврида эмас, балки келажакда ҳам улўг ва муътабар кишилар бўлиб қолажаклари-ни сезган. Мазкур давр катнашчилари орасида фалакнинг гардиши билан Бу-хороға бориб қолган юртдошларимиз ҳам бўлган.

Шундай юртдошларимиздан бири — тошкентлик шoirларнинг бобоқалони Абу Муҳаммад ал-Матроний бўлиб, у Х аср бошларида Шошда турилган ва у шу ердаги мадрасаларнинг бирида тахсил қилган. Ас-Саолибий номи юқориди қайд этилган асариди Матроний шеър-ларидан 112 байтни намуна сифатида келтиришдан аввал унга бундай тасви-фонома берган: "Ибн Матрон заковати ва гуъал мартабали (киши) эди. Пойтахт (Бухоро)ға мактов билан келар ва яхши инъомлар билан қайтиб кетар эди. У барид (алоқа) ҳодими лавозимини адо этиб, шу билан қаноатланар ва шундан ризикни топарди. Унинг шеърлари де-вонға тулланган, латиф ва зариф (сўзларға) бойдир".

Матроний, шу даврдаги бошқа араб-забон шoirлар сингари, тасвирининг нафис, рангин ва образли бўлишига алоҳида аҳамият берган. Шoirнинг зам-ондоши Абу Али ал-Бальғамийга ба-ғишланган қасидасига назар ташласа бизға нафақат унинг, балки умуман Со-мониёлар даври шеърятининг поэтик тил ва услуб хусусиятлари билан ҳам танишиш имкониятини беради.

Куйидаги шеър бундай мисралар билан йўрилган:

"Бошимда (қарилликдан) хабар берувчи ок мўйлар пайдо бўлди ва ҳаётим-даги гуллаган ёшлик ўтиб кетди.

Мўйсавидликнинг эрта тонги шўйла-си (оқ сочи) ёшлигим тунингни қар-ғаларига учиб кетиш жойи бўлиб қолди. Бу эрта тонг нурининг порлаши қора қўшларнинг ўз ясини ташлаб кетиши-ға ўхшаш нарсалардир."

енгил тутилишига қарамай, энг ширин-сухан араб (тили) билан тенглашарди. У ўзида насиҳатғўйлик, жонга ором бе-риш ва хушмуомалалик санъатларини бирлаштирган эди. Ўз шеърлари билан (бизларни) қандай завқлантирсин, насрий асарлари билан ҳам шундай завқланти-рар олар эди. Жиддийлиги билан кан-дай хурсанд қилса, ўз ҳазиллари билан ҳам шундай хурсанд қила олар эди".

Матроний мансуб бўлган адабий му-ҳитда ишқий лирика билан бирга қаси-дачиликнинг баҳория, ҳолия, фажрия, мадҳия, ҳажвия, ҳамрия, ҳатто марсия сингари кўринишлари кенг тарқалган эди. Матроний ҳам қасидачиликнинг турли кўриниш(жанр)ларида асарлар ёзган. Бу асарлар орасида 945 — 946 йилларда Мовароуннахр ва Хоросонда содир бўлган қурғоқчилик ва ҳахатчи-лик, шунингдек, Наврўзддан кейин ётқан қор ва совуқнинг келтирган зарарлари тасвирланган шеърлар ҳам борки, улар шу даврда яшаб ижод қилган шoirлар-нинг ҳаётда рўй берган муҳим ижтимо-ий воқеа ва ҳодисаларға муносабат билдирганларини ва улар шеърятни реализм унсурларидан ҳоли бўлмагани-ни кўрсатади.


Матроний Бухорода бўлиб ўтган қаҳатчиликда ўз даврининг бадавлат кишиларига мурожаат этиб, улардан аҳолиға ёрдам беришларини сўраган. Шoirнинг муҳим ижтимоий мазмун билан йўрилган бундай шеърлари чина-кам шеърят Х асрдаёқ халқ дарди ва тақдир билан боғлиқ катта масалалар-ни кўтарганидан, Матронийнинг эса халқларвар шoir бўлганидиган шаҳо-дат беради.

Ас-Саолибийнинг "Итимад ад-даҳр" асариди тилға олинган шошлик ибор-лардан яна бири Абу Омр Исмоил ибн Аҳмад Шойшидир. Х асрнинг иккинчи ярмида яшаган бу шoir, номаълум са-бабларға қўра, Рай шаҳриға бориб, бу-ваҳийлар вазири Соҳиб ибн Аббод ху-рида катта хўрмақ қозонади. Ас-Саоли-бий ўз асарининг 3-бобида ибн Аҳмад Шойшй тўғрисида маълумот бериб, унинг 4 та қасидадан парчалар келти-ради. Асарнинг 4-бобида эса, бошқа бир шошлик шoir ҳақида маълумот бериб, бундай ёзди: "Шошлик шoir,

ЯХШИЛИК ДАРАХТИ

Зангиота туманининг "Истиклол" газетасида қарийб чорак асрдан буён муҳаррирлик қилиб келаётган Абдусаттор Хотамов кўпчилик китоб-хонларға яхши таниш. Ижодкор анча йиллардан буён ҳаётининг турли жи-ҳаларида меҳнат қилаётган замон-

дошларимиз ҳақида тур-кум ҳикоя ва эсселар ёзиб, уларда она-юртға, табиятға меҳр, одамлар-ға эзгуликни муносив қўришдек олиханоб фазил-латларни тараннум этиб келмоқда. Унинг турли йилларда чоп этилган "Эз-гуликнинг туғилиши", "Со-ва", "Эркин куш", "Эрқа қизнинг қисмати" кито-блари адабиёт мухлисла-ри томонидан ижодий ба-ҳоланди.



Доимий ҳамроҳ

Яқинда "Янги аср авлоди" на-شريётиди А.Хотамовнинг "Яхши-лик даррахти" номли китоби босма-дан чиқди. Муаллиф ушбу китоби-ға узок йиллик ижодий изланиш-ларининг меваси фойлан эди сара-ҳикоялари ва эсселарини жамла-ган. Тўпламдан урин олган ҳар бир асарда она-заминни, табиятни се-виш, уни ардоқлаш, тинч осуда ҳаётимизнинг қад-риға етиш ҳақида сўз юритади.

Истиклолимизнинг ўн саккиз йиллиги арафа-сида ўтказилган "Энг улўг, энг азиз" танлови-да ҳамкасбимиз ҳам фаол иштирок этиб, ғолиб дея топилди. Бу эътироф муаллифта янги-янги асарлар яра-тишға илҳом беради, де-ган умиддамиз.

«Ёшлик» 2009, 4-сон

Журналнинг янги сони илк са-ҳифаларида Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюммаси фаолияти самардор-лигини ошириш, миллий адабиёт-ини ривожлантириши масалала-ри тўғрисидаги қимматли фикр-му-лоҳазалари берилган.

"Назм" рункида берилган шеър-и туркулмарда Турсун Али, Му-хаммад Исмоил, Шаҳ-рибон, Ашуралй Бой-мурод, Муассар Сай-фуллоқ кизи, Носир сингари шoirлар иқодидан сара-ланган янги шеърларни ўқийсиз.

Улўб-Ғамданнинг "Оташ", Неъмат Арслоннинг «1551 рақамли трамвай», Собир Унарнинг «Ака-укалар» номли ҳикоялари наср ил-тосмандлари эътиборига ҳавола этилган.



«Ёшлик»нинг ушбу сониди бе-ри л г а н Мирнолат Мирзояннинг «Ш о и р» сарлавҳали бадиасида а т о қ л и шoir Рауф Парфи шах-си, ижоди ҳ а қ и д а фикр-мулоҳазалар, ҳаётий куза-фларининг таъкидланган.

Журналларни varaқлаганда

тишлар самийини баён этилган. Профессор Қозоқбой Йўлдошининг «Эл юрағиди шoir» мақоласиди оташин шoir Ҳамид Олимжоннинг "буғун ҳам миллатнинг маънавий дунёсини шақллантиришға таъсир қўрсата оладиган" санъаткор экан-лиги таъкидланган.

Музыка маданиятимизнинг гултожи бўлган мақом санъати қадим замонлардан буён кишиларнинг маънавий эҳтиёжини қондирувчи во- сита сифатида кадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Устоз адИБИМИЗ — Саид Аҳмад айтганидек, «Мақом — оҳангга жойланган тафаккур».

Халқимизнинг семимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева кишиларни ана шу тафаккур меваларидан бахра- манд қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган фидойи хонандаларимиздан бири. Юртимизда нишонланаётган кўшалок бай- рам арасида санъаткори суҳбатга чорладик.

ОЎАНГГА ЖОЙЛАНГАН ТАФАККУР

наллардан бирида чоп этилган мақола- ни ўқиган америкалик мутахассислар бизни океан ортига тақлиф этишди. 1990 йили мен, мусиқашунос Отаназар Ма- ткубов, Қажор баҳши, созанда Турғун ва Алишер Алиматовлар, раққоса Ди- ларзуб Жабборова, устозим Шавкат Мирзаев Американинг бир неча штат- ларида концерт берганимиз. Ҳақиқатда ўзбек халқининг вақили сифатида куй- лаётганимдан бениҳоя фахрланганман. Айни чоғда зиммага катта бир масъу- лият юки тушаётганини ҳам ҳис этган- ман.

бирга, нигоҳларидаги чексиз миннат- дорлик нурларидан қалбим ларзага кел- ди. Мени — оддий бир кўшқичи қизни бошига кўтараятган халқимдан, юртим- дан фахрланиб кетдим. Англиядоги бир сафаримда шундай воқеа бўлган. Саҳнада куйлаётган, залда тебраниб тинглаётган нурунийга кўзим тушди. Концерт давомида ҳам хаёлим ўша одамда бўлди. Концерт ту- гагач, таржимон бир одам мени кўрмоқ- чи эканини айтди. Чиксам, ўша нуруний турибди. Асли покистонлик бўлган бу одам Англияда яшаркан. Бир неча йил олдин шол бўлиб, касалхонага тушиб қолган. Шунда ўртоқларим менинг кўшқичларим ёзилган диски олиб кели- беришибди. Айниқса, «Муножот»- ни кўп тинглар экан. У ётган жойида Худодан илтижо қилиб, «Шу хонанда бизга концерт бергани келса, ўзим юриб бориб кўра оламанми?» деб сўраган. Буни қарангки, ўша кун унинг ўзи кон- цертга юриб келган эди.

Айтнинг-чи, санъаткор учун бундан ортиқ бахт борми! Ана шундай вақтлар- да менга шундай буюк имкониятлар э- шигини очиб берган Ватанимиз кўзим- га тўтиб қилган келди.

— Муножотхон, энг улуг ва азиз байрамимиз арасида суҳбатла- шаямиз. Айтнинг-чи, мустақиллик сизга нима берди?

— Мустақиллик шарофати билан, ав- вало, ўзимни ўзим кашф қилдим. Ил- гари қаерда бўлсам ҳам, хонанда сифати- да ўзимни тўлиқ намоён қилмасдим. Қолаверса, чет элларга қачон, қайси гуруҳ билан боришимизни қутиб юра- дик. Ҳозир эса истаган мамлакат билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишимиз, хоҳлаган фестивал, кўрик-танловларда қатнашимиз мумкин. Истиқлол йил- ларида менинг оғзи-кўпим меҳнатларим муҳтарам Президентимиз томонидан жуда юксак баҳоланди.

Франция жохон маданиятининг ўчоғи саналади. Зеро, бу ернинг муҳлислари жуда юксак дидли, ҳақиқий санъатнинг қадрини етадиган одамлар. Улар менинг мисолида ўзбек муомтоз санъатини тан олишлариға мус- тақиллик тўғайли эришдим.

— «Шарқ тароналари» фести- валининг голлиби сифатида мазкур тадбирнинг аҳамияти ҳақида нима дея olasиз?

— Аввало, юртимизда шундай нуфузли халқорак фестивал ўтказилишининг та- шаббускори бўлган Президентимизга раҳм- мат айтишимиз керак. Чунки шундай бой му- сики маданияти бор халқ, албатта, жаҳонга донг таратуви анжу- манларга ҳам эга бўли- ши керак. Бу фестивал халқлар ўрта- сидаги дўстона алоқаларни ривожлан- тиришга ва мустақамлашга хизмат қилади. Фақат биз чет элга чиқиб, юр- тимиз санъати ва маданиятини тарғиб этмаймиз, энди одамлар — санъаткор- лар дунёнинг турли бурчаларидан кели- б, барча ютуқларимизга гувоҳ бўла- дилар ва ўз юртиларига бориб тарғиб- ташиқ қилдилар. Масалан, ўзим қайси юрда бўлсам, у ердан келиб та- ассурутларим билан ўртоқлашаман. Айни вақтда ўзимизнинг фестивалга чет э- лик ҳамкасбларимни тақлиф қила- ман. 2006 йили «Шарқ тароналари»да қатнашган италиялик санъаткорларни, монголиялик хонанда Урнани, озар- бойжонлик Олим Қосимовни юртимизга тақлиф қилганман. «Шарқ тароналари»- га қатнашаётган мамлакатлар сони йил- дан йилга кўпаяётгани фестивалнинг обрўси ортиб бораётганидан далолат.

Муножотхон изланишда давом этипти. Айни чоғда у пойтахт юби- лейига бағишлаб ўтказиладиган тан- таналарда қатнашишга жиддий ҳозирлик кўрапти. Бу сафар ҳам хонанда ижросида янграйдиган яхши бир муомтоз кўшиқ муҳлислар қалбидан мўким қўй олишини тилаб қоламан.

Гулчехра УМАРОВА

Гулом ЖўРА

МАҚОМ БУЛБУЛИ

Муножот Йўлчиевани тинглаб

Оламни маҳлиэ этган хонанда, Алаб сарвиносиз, мақом булбули. Санъат гушганининг чаманзориди Шарқ таронасининг бетақорор гули.

Нозик сарвиғулдек ажиб расида, Оқсуз каби шарбат кўнгли ноласи, Тангригодек улуг, хур ўлкасида Санъатсевар элнинг кўзин қораси.

Мумтоз наволарга чўмганди илк бор Қоялар оҳуси, Ширмонсой дурри. Она алласидек пок ва бегубор Ўзбек мақомининг завқи, сурури.

Жарандор куй-қўшиқ — қўнғил навоси Майсалек қалбларни нозик тебратар. Диллар уммонига сингиб ниқоси, Дилқушо мавжларни қайта уйотар.

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН ЯШНАГАН ДИЁР

Республикамизнинг барча ви- лоятларида мустақиллик байра- мини нишонлаш бўйича тайёргар- лик ишлари охирига етиб қолди. Қо- рақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида бай- рамнинг фойдали ўтиши учун та- ниқли хонандалар, балетмейстер, санъат арбоблари жалб қилинган. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Полат Айтмура- тов ва шоира Алтингул Отениязо- ва сценарийи асосида (сахна- лаштирувчи режиссёр — Ўзбеки- стон халқ артисти Нажиматдин Ансатбеков) «Мустақиллик байра- ми — қишлоғимнинг иқболи» ном- ли концерт дастури Нукус шаҳри- нинг амфитеатрида бўлиб ўтади.

Андижон вилоятининг асосий байрам томошаси шаҳар амфите- атрида «Не ажабдур мустақил она юртим 18 ёшиндадур» (Маннон Хамидов сценарийи, режиссёр- лар — Зиё Нажий, А.Аскар) но- ми билан ўтказилди. Тадбирда пойтахтлик таниқли хонандалар Б.Қодирова, Х.Ҳамидова, Е.Мирза- жоновлар иштирок этишди.

хонандалар Г.Эрқулова, М.Намо- зов, С.Мўминов, А.Нибозметова, Л.Ахмедова ва бир гуруҳ вилоят санъат усталари иштирок этишди.

Навоий вилоятидаги тадбир «Сўғдиёна» марказий уйингоҳида бўлиб ўтади. «Бу байрам барчама- зини — бутун халқимизники» ном- ли дастури Б.Умаров, Ф.Раҳматулла- ев, У.Ҳамдамов, М.Кенжаевлар тайёрлашмоқда. Концерт меҳмон- лари Ф.Бойтоев ва С.Раҳимхон.

Наманганликлар байрамни муносиб нишонлаш мақсадида маданий-маърифий ва спорт тад- бирларини тақилл этмоқдалар. Наманган шаҳар амфитеатрида бўладиган «Навқирон ёшинг мубо- рақ, она Ватаним!» тадбирида та- ниқли санъаткорлар, спорт уста- лари, бадий хаваскорлик ва фоль- клор жамоалари қатнашадилар.

маданият ва истироҳат боғига қара- ши «Мўъжиза» амфитеатри- да ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Да- стурда М.Намозов, О.Назарбе- ков ва С.Мўминовларнинг қатна- шини режалаштирилган.

Сирдарёликлар байрамни кўтаринки рўхта ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Ҳаёт Шодмон сценарийи, М.Аск- аров режиссёрлигида тақилл эти- лаётган «Энг азиз туйғу» номли да- стур «Анҳор» ёғзи томошоғида бўлиб ўтади. Байрам меҳмонлари Р.Қомиллов, С.Мўминов.

Сурхондарё вилоятида «Мус- тақиллик — олий неъмат» дасту- ри «Аппомиш» мажмуасида ўт- казилди.

Тошкент вилоятининг «Байра- минг муборақ, Ўзбекистоним!» да- стури Чимён дам олиш маскани- да ўтказилиши назарда тутилган. Унда хонандалар Т.Матқаримов,

ҚўҒИРЧОҚБОЗАЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтимизнинг Фафур Гулом номидаги мада- ният ва истироҳат боғида анъанавий қўғирчоқбоз- лик санъати байрами ўтказилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад бадий ҳаваскорлик санъатини янада ривожлантириш, ёшларимизнинг қадимий миллий қўғирчоқбозлик санъатига қизиқишини ошириш, халқ кўғирчоқ те- атрлари ижодини кенг тарғиб этишдан иборат. Тадбирнинг тантанали очилишида халқ ижодиё- ти маркази директори, профессор У.Тошматов, «Ўзбектеатр» бирлашмаси бошқарма бошлиғи, те- атршунос Э.Уринов, драматург Х.Расулов Ўзбеки- стонда хизмат кўрсатган артист Ш.Юсулов, Ўзбеки- стонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси М.Аш- урова иштирокчиларни қутладилар. Байрам да- стурида хаваскор қўғирчоқ театрлари санъаткорлари иштирок этиб, болажонларга бағишланган сахна асарларини намойиш этишди. Шунингдек, қўғир-

чоқсозлар — хоразмлик Мансур Кўрбозов ва кўқонлик Шохиста Худойбердиеваларнинг қўғирчоқлар кўргазмаси намойиш этилди.

Анъанавий «Қўғирчоқбозлик санъати байрами»да юқори сави- ядаги томоша дастури билан иш- лаш «Шум бола», Сирғали туман Абдор Хидоятлов номидаги маданият уйига қарашли «Карвон», Беко- бод шаҳар марказий маданият уйи қошидаги халқ кўғирчоқ театри, Каттақўрғон шаҳар маданият уйига қарашли халқ кўғирчоқ театри, Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидан «Ғунча», Хоразм вилояти Хо- нқа туманидан «Жайхун» халқ кўғирчоқ театри жа- моаларига ҳамда кўқонлик қўғирчоқсоз Шохсанам Худойбердиевага Маданият ва спорт ишлари вази- рлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар методик марказининг сертификатлари топширилди. Байрам Тошкент шаҳридаги мактабгача тарбия муассасалари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланув- чилари, маҳаллалардан келган кўп фарзандли оила- лар болаларида катта таассурут қолдирди.

Нуржохон НИЁЗОВА

НАФОСАТ ЖИЛОЛАРИ

Абдунаби тўрт-беш ёши- данок қўлига қалам теғди дегунча, кўзи илган нар- саларни чизишга ҳаракат қиларди. Тасвирлардан нус- ха кўчириш энг семимли машғулоти эди. Ўзи чизган расмлардан завқ-шавққа тўлиб, табиатдаги ёрқин ранглارни ўткир кўзи, на- фис диди билан илғаб, янги- янги манзаралар яратарди. Юртимизнинг табиат манза- ралари, тарихий обидалар ҳам кўнглига илҳом солган бўлса, ажаб эмас.

Шахрисабзда, дехкон оиласида туғилди воғна етган Абдунабининг интилишлари- ни отаси Мухаммад ака, бу соҳадан йироқ бўлса-да, кўлаб-қувватларди. Мактаб- да ўқиб юрган чоғлариданок бошқа дарслардан кўра тас- вирий санъатга иштиёқи ба- ландлиги учун уни деворий газеталарни безаш ишлари- га жалб этишарди. Урта мактабни тугатган Аб- дунаби Тошкент театр ва рас- сомлик санъати институтига ўқишга келди. Лекин ҳужжат топширишдан олдин касб- кор ва ижод ҳақидаги суҳбат- лар давомида санъат, рас- сомлик ҳақида бошланғич билимга эга бўлиш керакли- гини тушуниб етди. Тош- кентда ишга кириб, Тўқима- чилик комбинати ҳузурига фаолият юритаётган рас- сомчилик студиясига қатна- ша бошлади. Орадан бир йил ўтгач, П.Беньков номи- даги билим юртига ўқишга кириди. Бу ерда ҳайкалта- рош Леонид Рябцев, рассом Александр Ли каби устоз- ларга дуч келди. Ҳаётда уз ўрнини топиб кетишида бу устозлари мўхим рол ўйна- дилар.

Ўқиниш тугатиб, Шахри- сабзага қайтиб келгач, туман мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ганч уймакорлиги бўйича ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Айни вақтда ижод билан мунта- зам шуғулланишда давом этиди. Унинг рангтасвирларида инсоннинг ички дунёси билан боғлиқ кечинмалар ёрқин ифодасини топади. Вилоят, республика миқёси- да ўтказилган кўргазмаларда сўзбўёқ (акварел)да, графика услубида ишланган асар-

лари билан қатнашди. «Ба- хор гуллари», «Исирикчи чол», «Тўлини ой», «Анор», «Бахт қуши», «Ғилон манза- ралари» каби туркум асарлар- ни шоирона услубдаги юксак тафаккур маҳсули эканлиги билан ажралиб туради.

— Мусаввириқнинг асл табиатида миллий қиёфа, қадриятлар, инсоний фази- латлар, эзгу орзу-ниятлар мўжассам, — дейди Абдуна- би Мамадиев. — Бу касб та- рихан олисларга бориб та- қалади. Одамзод ўз шодлик- ларини, дарду аламини, эзгу орау-умидларини сура- тлар орқали тасвирлашга интилган. Шундан бўлса ке- рак, қадимий тошбитиклар- да, ҳашаматли шох са- роилари деворларида чизилган сура- тлар тарихимиз зарварқа- ларини беазаган.

Абдунаби Мамадиев ижо- дида кўпроқ табиат манза- ралари тасвирланган кўп рас- сомларни дунёга танитган Ғилон кишлоғи манзаралари мусаввир ижодида мўхим ўрин тутади. Аслида бу кишлоқни рассом сифатида у кашф этиб, машхур рассом- ларнинг бу кишлоққа ижодий саҳнатини уюштириб, Ғилон кишлоғининг номини дунёга та- нитди, десак муболага бўлма- йди.

Ўзи ҳам Хива, Ангрэн ша- ҳарларида, Сарчамса киш- лоғида ижодий сафарларда иштирок этиб, Ўзбекистон та- биатини тараннум этувчи ижод намуналарини яратди. Умрни беҳуда ўтказмасликка



Иқтидорли мусаввир 2004 йилдан буён «Шуртангазкимё» кор- хонаси билан ҳам ижо- ни ҳамкорлик қилиб кел- ади. Мажмуа худудида ландшафт дизайни, яъни зиямат- чилар учун ички ва ташқи дам олиш майдончалари яратиш, тош ва ҳайкалтарошлик бе- зақларини бунёд этишда иш- тирок этаётди. 2005 йили мажмуага қарашли «Нурис- тон» шаҳарчасида бунёд этилган 140 ўринли болалар боғчаси, 630 ўринли янги мактаб биносининг ташқи фасадида маҳобатли бади- ий беказ ишларни амалга оширди. Болалар боғчаси ҳовлисиди эса «Эртақлар шаҳарчасини яратиш, бинонинг ташқи ва ички қис- мини графика асарлари билан бекази.

Бугунги кунда мусаввир- нинг ундан зиёд шоғирд- лари бор. «Ўзбекистон халқ устаси» Бозор Ботиоров шундай шоғирларидан бири.

Абдунаби Мамадиевнинг тўнғич фарзанди Наврўз Ка- молиддин Бехзод номида- ги Миллий рассомлик ва дизайн институти санъат- шунослик мутахассислиги бўйича туғилган. Айни пайт- да бадий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланиб келди. Серқирра ижодкор А.Мамади- ев истиқлол байрамини янги санъат асарлари билан кўпим оломда. Унга янги ижодий ютуқлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Исмоил ТўХТАМИЩЕВ

ЯНГИ ЖАМОА: РЕЖАЛАР

Истиқлол ва Тошкентнинг 2200 йиллиги байрамлари нишонланаётган кунларда те- атр санъати муҳлислари ҳам янги мавсум очилишини байрам қилдилар. Республика- миздаги барча театр жамоалари қатори Мўқимий номидаги ўзбек давлат сатирий театри ва республика Кўғирчоқ театри ҳам янги мавсумга жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Ҳар икки театр янги мавсумини янги бош ре- жиссёрлар билан қарши олмақда. Шу са- бабли ҳар иккала режиссёрга бир хил сав- вол билан мувожаат қилдик:

— Жамоанинг мақсад ва ва- зифаларидан келиб чиқиб, репертуарни профессиона- лизм ва юксак бадият билан йўритишга асарлар ҳисобига бўйлаштига кўнглингиз етадими? Гупруҳ Нажинова, Мўқимий номидаги театр бош режиссёри: — Сиз айтган ижодий бури- лашда биз ўтган мавсумда йил она бошладик. Назаримда буни томо- шабинлар ва театр мутахассисла- ри ҳам сездилар. Бундан бун ҳам шунга ҳаракат қиламан. Режиссёр ва дирижёрларимиз, устоз актёр- ларимиз, жамонинг барча аъзо- лари бир ёқадан бош чиқариб, томошабинларни жаҳонга солиб, фикр уйғотиб, театримики замо- навий театрга айлантиришга ҳара- қат қилаямиз. «Қанон Мўқимий номидаги театрда яна «Тоҳир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун», «Ра- вшан ва Зулхумор» каби спектакл- ларни сахналаштирилди?» деган гапларга ижодий жавоб бериш ниятидаман. Лекин бу асарларни қайтадан сахналаштиришга эмасимиз. Машхур бастакор Тўхта- син Жалилов юғларни ва Раззоқ Ҳамроев аънаваларга таяниб, янги тарихий мавзуларга кўл ур- моқчимиз. Тарихий мавзу ва халқимизнинг кўп минг йиллик маданий аънавалари акс эттирил- ган асарларда бугунги даврга ҳамоҳанг фикр ва юғларни кўтармоқчимиз. Икки йил бурун яратилган ва уч марта кўрсати- лган «Отабек ва Кумушбоби» му- сикали драматини қайтадан иш- лаб, томошабинга тақдим этиш ниятидаман. Сабаби, томошабин Абдулла Қодирий асарларини мириқиб кўради.

— Сирдарё вилоят театрида анчагина тажриба орттирган режиссёрсиз. Айниқса, Мух- тор Худойкуловнинг «Ибтидо» асари асосидаги ишингиз кўнглингиз ёғди. Шу спек- таклда эришган ютуқларингиз- га таяниб, театрда рамзий- фалсафий йўналишини давом эттириш ниятингиз борми?

— Бу жиддий масала. Ҳаммаси асарга боғлиқ. Шунинг учун бу- гунги кунда турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган драматург- лар билан ишлаб кўрмоқчимиз. Очиги, мени бу театрдаги эски иш услуби конкритрмайди. Сиз айт- ган рамзий-фалсафий йўналишга келсак, бу театрда ҳам мазкур йўналишни давом эттириш нияти- даман.

Малълумки, театрнинг 70 йил- лик санаси яқинлашиб келяпти. Бундай катта санани нишонлаш учун маъна ва руҳан тайёр бўли- шимиз керак. Бугунги асосий ва- зифамиз томошабинларга юқори савиядаги янги-янги сахна асарларини тақдим этишдир.

олиб, уларнинг дунёсига айнан шу санъат орқали кириб бормоқчи- миз. Биз билан бугун шоир ва драматурглар Олимжон Ҳакимов ва Инобат Турсунова ҳамкорлик қилишмоқда. Таниқли режиссёр Мансур Равшанов ва Сергей Кап- риеволарнинг тақлиф қиламиз. Актёрларимиз қадимий ижодий изланишда бўлиши, томошабин- лар билан тез-тез учрашиб тури- ши учун режиссёр Аҳад Фармо- нов «Бир актёр театри» туркуми- ни йўлга қўймоқчи.

Янги мавсумда халқоро кўғирчоқ театри итифоқи — УНИ- МА билан алоқани мустақамлаб, бешта янги сахна асарини яратмоқ- чимиз. Ҳозир Туркиянинг Бурса шаҳрида бўлиб ўтадиган халқоро фестивалга тайёргарлик кўрап- миз. Бугун болалар ўта ақли ва зукко. Уларнинг олами, дунёқа- рши кенг. Шунинг учун театри- миз болалар драматургиясини янада ривожлантириш ва зонана- виллаштириш мақсадида шу йил- нинг ноябрь-декабр ойларида драматурглар семинарини уюш- тиришмоқчи. Режалар кўп. Асосий ниятимиз театрнинг маъқеини янада кўтариб, томошабинлар муҳаббатини қозониб, ўзбек ва жаҳон театри олдига юзимикини ёруғ қиламан, деган умиддаман. Декабр ойида барча каттаю ки- чик муҳлисларимизни театрми- знинг юбилей тадбирларига тақ- лиф этишимиз...

Биз эса республикамизнинг барча театрлари жамоаларига, устозлар ва ёш санъаткорларга янги мавсумда муваффақиятлар тилаб қоламан.

Аҳмаджон РАҲИМОВ, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи



Тошкентни мушфиқ онага ўхшатаман. Эҳтимол, ўзим шу табаррук шаҳарда туғилганим учундир... Она шаҳрим бўлгани учундир... Аммо, сал чурроқ ўйлаб қарасак, фақат киндик қони туқилган инсонлар учун эмас, балки, барча юртдошларимиз учун ҳам она эмасми бу азиз маскан...

Туққан она кундан яхши, боққан она ундан яхши, дейди халқимиз. Шу маънода миллион-миллион юртдошларимиз, юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун ҳақиқий онага айланган Тошкент... Тарихдан мисолларни-ку, айтмасак ҳам бўлади.

Фарзандига онадай беминнат меҳрибон бўлмас керак...

Шунги ўйласам, Тошкент барча-барчага меҳрини, саховатини, жону дили-

МОЗИЙНИНГ МУНАВВАР БАҒРИДА

ни, борини тўлалигича беминнат бахшида этиб, уларни камолдан суюниб, Яратганга шукрона қилиб турган онага ўхшайди.

Шунинг учун бўлса керак, бир бурда нонини ҳам ўзи емай, болаларига тутган. Шунинг учун ҳам «Нон шаҳри» деган ном олган.

Аслида, Тошкент фақат «Нон шаҳри» эмас, Имон шаҳри, Дийнат шаҳри. Мозийнинг мунаввар бағрида гавҳардай ярақлаб турган ошён. Тафаккурга қанот, илмга ҳаёт, тарихга шараф

берган макон. Ҳикмат ва ҳақиқат зиёси порлаб, оламни янада ёритган тупроқ.

Тошкентнинг 2200 йиллик тарихидаги шарафли воқеаларни кўп эслаш мумкин. Аммо бу хосиятли шаҳарни бутун халқимиз, юртимизнинг чинакам ифтихор масканига айланган улкан тарихий воқеа ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигида рўй берди. Бунга ҳаммамиз гувоҳимиз.

Харсанг тошнинг бағрини ёриб чиққан ушқоқина ниҳолнинг ҳам, забардаст чинорнинг ҳам илдири отган ўз ошённи бор. Ватани бор.

Ҳаёт ёлқини ўша заминда туғилади, порлайди.

Ватанимнинг Хуррият куёши она шаҳрим осмонда балқиди. Халқимизнинг азалий орзуси унинг қучоғида ушалди. Ватанимнинг Мустақиллиги Тошкентда эълон қилинди.

Адолатнинг тантанасига гувоҳ, аждоқларнинг ушланган орзу-умидларига ошён, Истиқлолга Ватан бўлди бу қуллул шаҳар...

Фақат шунга эмас.

Мустақил давлатнинг ўз рамзлари бор. Дунё шу рамзларига қараб ҳам танишни уни.

Тарих бу жафокаш шаҳар бошига кўп синовлар солди. Қамалу қирғинлар, ёнгину зилзилалар, истибод зулми юрак бағрини узиб-узиб олганди. Битмас жараҳатлар солганди.

Аммо Вақт — энг олий ҳакам!

Шаҳрим бағридаги асрлар жараҳати-га Истиқлол малҳам қўйди.

Назаримда, Тошкент қалбимиздаги энг гўзал хислат ва фазилатларни тарбиялагувчи мураббийга ўхшайди. Ҳаётда ҳам устоз, ҳам мураббий, ҳам суянич бўлгувчи ота қабилир Тошкент. Ҳам ота, ҳам она Тошкент.

Онадай мушфиқ, отадай улугвор.

Онадай қамтар, отадай мадақдор.

Тонг саҳарда Тошкент кўчаларини кезинг. Ҳар гўшасидан файз ёғилаётгандай. Нуруний отахонлар, кўча супураётган келинлар, бир-бирини саришта уйллар...

Саришта уйда пок одамлар яшайди. Шундай поклик маскани бу.

Бағринда туғилганимдан фахрланаман, она шаҳрим!


Сени бағримга босгим, қўларингни кўзимга суртгим келади, онажон!

Маърифатнинг уммонига қирғоқ бўлдинг, Саҳроларда қўлланганга булоқ бўлдинг. Тархларнинг карвонига йўлчи юлдуз, Имон-нури чарақлаган чироқ бўлдинг.

Хумо қуши қафасларга қамаб бўлмас, Ҳақ қўласа, ўндан ўзаг парра бўлмас, Истиқлолга Ватан бўлиб, шараф топдинг, Бу оламда бундан ортиқ шараф бўлмас.

Митти қулдам қаср эрур қошонанда, Боболарим руҳи яшар афсонанда. Ватанимнинг зирх-қалқони, кўрғонисан, Отабекдай жоним берай остонанда...

Дилшод ШАМС



Ҳақиқий санъаткор ўз халқи қалбини, руҳини, маънавий-ахлоқий кадриятларини чуқур хис этмоғи зарур. Саҳнага чиққан санъаткор ҳар гал зиммасидаги мана шу масъулиятни хис этмоғи лозим.

Бу талабга риоя қилаётган санъаткорлар бизда оз эмас. Бордию уларнинг рамзий рўйхати тузилса, рўйхат бошида Маъмуржон Узоков, Жўраҳон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Муножот Йўлчиева, Камолид-

ларидай, "Санъаткорини кўр, кўшигини тингла ва халқига баҳо бер", дейиш ҳам мумкин.

Бордию шундай десак, оёғимиз остидан муаммо чиқиб қолади. Негаки, санъат шунчаки ҳаваскорлик эмас, жўнгина хиргойи билан иш битмайди. Ва яна — истеъдодлар улғуржи этишиб ҳам чикмайди. Бугун истаган киши замонавий техника имкониятларидан фойдаланиб, катта-кичик саҳналардан кўйлаб ётибди. Бутунлай бошқа бир

Қўшиқчи бўлиш ОСОНМИ?

дин Раҳимов каби ал ардоғида бўлган ва бўлаётган кўллаб хофизларимиз туршиди. Аммо...

Бундан уч-тўрт йил аввал адабиёт газетамизда "Рўйхатнинг давоми..." деган куюнчак мулоҳазали бир мақола эълон қилинган. Мақола муаллифи "Ҳўш, ўзига хос ижро маҳорати мактабини яратган улғустозларнинг рўйхати давомига кимларни кўшамиз, шундай санъаткорларимиз борми?" деган саволни ташлаган эди ўшанда. Мен ҳам, бир тингловчи сифатида, айни шу саволнинг жавобини излайман. Бугун қўшиқ кўйлаётган, анча-мунча сарф-харажат қилиб, клип ишлаётган хонандаларнинг қанчаси санъатимиз тарихида қолади? Тарихни кўятрайлик, яна ўн — йигирма йилдан кейин улардан қанчасининг номларини мухлислар эслашади?

Санъаткор ўзи мансуб халқнинг маънавий кўзгуси десак, муболага бўлмайди. "Онасини кўриб, қизини ол" деган

касбда юрган киши ҳам бир юмалаб қўшиқчи бўлиб қолаётганига ҳайрон қоласан киши. Олақуроқ шеър, олақуроқ мушиқ. Биз-ку, ёшимиз олтишини қоралаган ёки бу ёшдан утган тингловчилар, ҳар ҳолда, саракани пунақдан ажрата оламиз, қўшиқ ёқмас, радио ёки телевизорни ўчирамиз, аммо ёшлар-чи? Улар қўшиқ, куй дегани шу экан-да, дея борига барака қилсалар, санъат ҳақидаги дидлари хира тортиб кетмайдими?!

Устозларнинг панд-насихатларини тинглаш, тажрибаларини ўрганиш асло ортинча иш эмас. Хофиз Шерокий айтиб қўйибдилар: "Насихат тинглағил, жоно, тутарлар жону дилдан дўст, Ақли бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кека донони...".

Л.МАХМУДОВ

Наманган

БОЛА КЎЗИДАГИ СОҒИНЧ

Бугун китоб дўконларини айлансангиз, кўзингиз қувонади. Ҳузур қилиб ўқиладиган китоблар кўп. Албатта, ўта ҳашамдор, шунчаки бир варақлашгагина арзийдиганлари ҳам бор. Бундай китобларни, бир вақтлар урф бўлгандек, китоб жапонларига ҳужақурсинга чиройли қилиб териб қўйиш керак. Баъзи бир китоблар мазмунан бой, дид ва маҳорат билан ёзилган, аммо газета қоғозига босилганлиги кўнглини гаш қилади. Баъзида эса ўртамеъна китобларга шунақа дабдабали сўзбоши ёки сўнгу сўз ёзилдики, ўқиб ҳайрон қоласан киши. Майли, муҳими, китобхон учун танлаш имконияти мавжуд. Фақат, сифатсиз китоблар ўқувчи дидини пасайтириб юбормаса бўлгани.

Яқинда қўлимга Сорахон Аҳмедованинг "Ўқисик диллар фарёди" сарлавхали китоби тушиб қолди. Қизиқиб ўқиб чикдим. Муаллиф меҳрибонлик уйларида тарбияланган болалар ҳаётини, уларнинг турфа хил тақдирини қаламга олибди. Жуда таъсирчан сатрлар, фактлар. Албатта, бугунги меҳрибонлик уйларидаги шароит аввалги "детдом"ларнинг шароитидан кескин фарқ қилади. Аммо... бу жойларда тарбияланаётган болаларнинг нигоҳларига кўзингиз тушса, вуҷудингизни бир нима ўртаб юборади.

Шу жажжи китобчани жуда кўпчилик ўқиб чиқшини истар эдим.

Салима УМАРОВА

Навоий вилояти

КУЧАДА ЁТГАН ТИЛЛА

— Тилланинг кўчада ётганини кўрган-мисиллар? — деб сўради Эшнинеъ муаллим ўқувчиларидан.

— Йўқ, кўрмаганмиз, — дейишди болалар.

— Мен кўрдим, сизлар ҳам кўрган-сизлар, аммо эйтибдор қилмагансизлар, — деди муаллим.

Болалар "Толган бўлсангиз, кўрсатинг", дея чуғурлашди. Муаллим чўнта-

гидан бир бурда нон чикарди.

— Болажонлар, — деди ўқувчиларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида назар ташлаб, — тилласи бўлмаган одам, ҳар қалай яшайди, аммо нонсиз яшаб бўлмайди. Нон — олтиндан қиммат.

Шу кун муаллим болаларга бир оқ тилласи бор, аммо нонсиз қолган одам ҳақидаги ривоятни сўзлаб берди.

Уролбой ҚОБИЛ

ҲАЁТ МЕНГА МАКТАБ БЎЛДИ

Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилдим. Собиқ ўқувчиларимнинг жуда кўпчилиги ҳаётда ўз ўрнини топишди, яхши мутахассис, касб эгаси бўлишди. Меҳнатим исзис кетмаганидан фахрланаман. Бир шеъримда:

Мен тенгсиз бахтимни билимдан топдим, Ҳўқсан китобим, тилимдан топдим. Ҳаёт мактаб бўлди, онгим муаллим, Омадни шу саҳий элимдан топдим

деб ёзганман. Эндиги мактаб ҳаётига ҳавасим келади. Таълим-тарбия жараёни ҳам, шароит ҳам жуда ўзгариб кетди. Ҳўқиман, билдим оламан

деган ўқувчи учун ҳамма шароит мўҳайё. Бугунги болаларни айтинг, улар кекаги тенгдошларига нисбатан билмидон, дунёнинг наруги чекасида бўлаётган ўзгаришлардан ҳам хабардор. Демак, ўқитувчи сабоққа тайёр-

гарлик кўраётганида бунини, албатта, ҳисобга олиши керак.

Мустақиллик йиллари наинки мактабларимизда, бутун ҳаётимизда, вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларимизда, турмуш тарзимизда бўлаётган ўзгаришлардан қувонмай бўладими?! Авваллари фарзандларимизнинг дунёнинг нуфузли илм масканларига бориб ўқишларини тасаввур ҳам қилмаганмиз. Бугун энди хорижга бориб илм олиш, кўрик-танловларда катнашиш, гоилиб бўлиш оддий бир ҳолга айланиб қолди. Ким билан гаплашманг, ўғли, қизи ёки набирасининг ютуғидан гапирайди.

"Кеча ўғлим Римдан кўнғирок қилди", "Малайзияда ўқийтгани совға-салом юборибди", дейди.

Кекса мураббий сифатида бу ютуқлардан фахр қиламан, она-Ватанимизнинг дадил қадамларига, фарзандларимизнинг камолига кўз тегмасин дейман. Илоҳим, шундай бўлсин.

Тургунбой ПАРПИ ўғли

Фаргона вилояти



Дарвозабон бўлсаммикан?..

МЕХУР

Рамазон илҳоми

Бир дунё эмасдир, балки бир чиндим. Дўстларим, мен сизга меҳр соғиндим. Меҳринг нелигин сизлардан бядим, Дўстлар бир-бирини зинҳор сотмасин.

Барчамиз Оллоҳнинг суйган қўлимиз, Олий мавжудотимиз — ҳаёт гулимиз, Шайбамдек пок бўлсин, дўстлар, қўлимиз, Кўнгишлар тубида ҳасад ётмасин.

Шодликдан энтиқар маҳзун кўнгишлар, Меҳру оқибатдан сўзласа тиллар, Жаҳолат отига минмас оқиллар, Ҳаёт оғусини ҳеч ким тотмасин.

Муродий УСАРҚУЛОВ

Фарғона шаҳри

Кўшалок байрамларимиз арафасида нашриётларимизда бир қатор янги китоблар чоп этилди.

Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси нашриётида таниқли шоир ва таржимон Мирзулло Мирзониинг "Сурур" сарлава хали тўплами чоп этилди. Тўпламга муаллифининг мустақиллиқнинг машаққатли ва сурурли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ижтимоий-маърифий мавзудаги мақола ва суҳбатлари жамланган. Улар ижодкор зина...

Шоир Марғилон Гулшанининг 2000 йиллиги муносабати билан барпо этилган Жаҳон

ЯНГИ КИТОБЛАР

ётиларнинг мамлакатимизда кечаётган шуккули юксалишларга, адабий-бадий жараёнга муносабатини ўзида акс эттиради. Ватан озодлиги, инсоннинг маънавий дунёси ҳақидаги мақолалар, номдор ижодкорларнинг ибратли ҳаётига бағишланган суҳбатлар алоҳида қизиқиш билан ўқилади.

отин Увайсий уй-музейида, мана бир неча йилдирки, ёш ижодкорларнинг адабий тўрағи фойдаланиш олиб бормоқда. Тўғаракка таниқли шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлик қилади. Марғилонлик ёш шоирлар Нарғиза Оқунова, Улмасой Нишоновна, Зумрад Ваҳобова, Машхура Абдусатторовна, Шоира Каримова, Алишер Исоқов ва бошқаларнинг шеърӣ машқлари вилоят ва республика матбуотида, адабий нашрларда мунтазам равишда эълон қилинмоқда.

Яқинда "Фарғона" нашриётида республика Маънавият-тарғибот маркази Фарғона вилоят бўлими хомийлигида чоп этилган "Марғилон гулшани" тўпламига марғилонлик қирқ беш нафар қаламкашларнинг ижод намуналари киритилган. Тўплаб нашрга таяёрловчи Исмоил Маҳмуд, сўзбоши муаллифи Энахон Сиддиқова.

Шоир Зикрилла Неъматнинг "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган китоби "Эзгулик ўлкаси" деб номланади. Унга шоирнинг олижаноб инсоний фазилатлар, миллий ва умуминсоний

кадриятлар, она-юрт тақдирини ва келажакга дахлдорлик мавзусидаги шеър ва фазаллари киритилган. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов тўпламга сўзбоши ёздан.

Ватан ҳақида куйлаш, она-диёрни тараннум этиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи, масъулияти ҳисобланади. Бадиий адабиётда севги, она, Ватан мавзулари ҳеч қачон эскирмайдиган, абадий мавзулардир. Машхур шоир Расул Ҳамзаатов бир шеърда: булбулнинг қўшигини эшитяпсанми, нақадар ёқими, биласанми, у нима ҳақида куйлапти, у Ватан ҳақида куйлапти, агар булбул бошқа мавзуда куйлаганида эди унинг қўшиги аллақачон жонга тегиб кетган бўларди, дейди.

Ҳа, Ватан ҳақида куйлаш доимо ёқими, ҳамиша завқли.

Шоир Минхожиддин Мирзониинг яқинда Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйда нашр этилган "Юдузим" номли тўплами

халқ асосан, Ватанини тараннум этган шеърлардан таркиб топган. Китоб сўзбошида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шундай ёздаи: "Шоирнинг шеърларида истиқлол, замон руҳи, юртдошларимиз ўй-кечинмаларини тараннум этиш етакчи мақомга эга эканлигини мамнуният билан эътироф этиш зарур. Минхожиддин Мирзо шеърларида она юрт, ўчмас йимон каби муқаддас тушунчалар гоёт юксак даражада шарҳланганди".

Китобга шоирнинг «Сохиққирон ёғдуси», «Соғинч салтанати», «Девонаи Машраб сийратига сайр» каби достонлари ҳам киритилган. Муҳаррирлар: Усмон Кўчқоров, Муҳиддин Омон. Адади 3 минг нусха.

"ZAMIN-NE'MATLARI" хусусий фирмасининг (ИНН 204621191, ОКОНХ 81100) мақоми "ZAMIN-NE'MATLARI" масъулияти чекланган жамиятини ўзгартириш муносабати билан "ZAMIN-NE'MATLARI" хусусий фирмасининг барча ҳужж ва мажбуриятлари бўйича (Дебитор ва кредитор қарзлари) вориси "ZAMIN-NE'MATLARI" масъулияти чекланган жамияти жавоб беради. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Қозакбев 1 берк кўчаси, 31-уй.

Угеряни укруголу печать частного предприятия ТАРХИЙ ФОТО — АЛБОМ Мирзо-Улугбекского р-на СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

ООО "STARPOLYMERS" Учтепинского р-на ИНН 206076655 ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение месяца по тел: 481-42-35

Угеряние круглолу печать и угловой штамп Федерации Борьбы "СУМО" Республики Узбекистан СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ЧП "АСТЕК-ПЛУС" Мирзо-Улугбекского р-на преобразуется в ООО "АСТЕК-ПЛУС" претензии принимаются по тел: 269-05-50 в течение месяца со дня публикации.

Угеряний диплом № 368632 выданный в 2008 году Ташкентским Финансовым институтом на имя Худайкулова Бахтияра Мамражабовича СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "LAREKO PLYUS" Яхксарайского р-на ЛИКВИДИРУЕТСЯ ИНН 300077157 претензии принимаются в течение месяца по адресу: ул. У.Носира 2 вагонный пр. д. 1.

Угеряний патент Ч.П. на имя Юлдашева Исраила Ибрагимовича, паспорт серии СА №2438869 выданный ИИБ Мирабадского р-на 28.08.2007 г., государственный номер 03-01284 зарегистрированный в отделе регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирабадского р-на 4 сентября 2007 года СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "SARDOR KONSALT" мақлаҳат маркази Чиланзарского р-на ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течении месяца по тел: 156-22-61.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Мухтор Ашрафий уй-музейи директори

Феруз АШРАФИЙнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда дўст-қадрдонларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

"Ҳидоят" журнали жамоаси журнал ходими Вафо Файзуллоҳга отаси

Барно ФАЙЗУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Юнусобод тумани хокимлигининг Мукаррама Турғунбоева номидаги маданият маркази жамоаси марказ директори Азим Азизовга ўғли

Санжар АЗИМЖОНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ПОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
ХОМИЙ: "МАТБЕУОТ ТАРКАТУВЧИ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тахриратга келган қўғмаалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират қўғмаси назардан фарқланши мумкин.

Набатчи — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи — Жамшид МАТЎКУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.10

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4392. Буюртма Г — 748. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН